



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 21 (4523)
2019 ЙИЛ 24 МАЙ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШ ИЛДИЗИ



Халқимиз маънавияти асрлар давомида миллий қадриятлар негизда шаклланиб, ривожланиб келган. Ахлоқ-одоб, ҳуқ-атвор, имон-этиқод, илму маърифатга чанқоқликдек инсоний фазилатлар ажодлардан авлодларга мадрасаю мактабларда, оила даврасида, анъана ва удуллар орқали юқтирилган.

Панд-насихатлар, халқ оғзаки ижодининг сара намуналари — достонлар, маталлар ва эрталар воситасида ёшлар қалбида ватанпарварлик, мардлик ҳис-туйғулар шакллантирилган. Кейинчалик фан ва техника ривожини туфайли инсон ақл-заковатининг буюк кашфиётлари — турли кўришдаги оммавий ахборот, телекоммуникация воситалари ва бугунги кунда ахборот асрининг энг янги, илмр намуналари ижтимоий тармоқлар кўринишида бу оламшумул вазифаларни амалга оширишда инсониятга кўмакка келди. Бир қараганда умум манфаатга хизмат қилиш, келахак

авлодни маънан юксак, заковатли инсонлар қилиб тарбиялашдек ишлар осонлашгандай кўринади. Аммо улардан фойдаланишдан кўзланган мақсадларнинг нечоғли ҳолис ёки ноҳолис-лигига қараб, ўта мураккаб вазият ҳам юзага келганлигини инкор этиб бўлмайди.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, инсоният тараққиётида зиёли қатлам, унинг илғор вакиллари — ижодкорлар ҳамиша таълим-тарбиянинг олдинги сафларида бўлган ва барча муваффақиятларга уларнинг фаол иштироки, фидойилиги туфайли эри-

шилган. Маънан юксак инсонларгина буюк яратилган юзага келтирилган. Жамиятда тинчлик, фаровонлик, тараққиётнинг қалин-тих тарғибот, ташвиқот ва амалда ибрат

Кун мавзуси

кўрсатиб яшашдадир.

Юртбошимизнинг Бўқа тумани таърибасида амалга оширилаётган бешта муҳим ташаббуслар доирасининг кенгайиб бораётганида ана шундай эзгу мақсадлар муассасмаларининг кўряпмиз.

Экспертларнинг фикрича, ушбу ташаббуслар ижроси, аввало, мактаблардан бошланиши керак. Ҳақиқатан ҳам, мактаблар маъ-

навий ва жисмоний жиҳатдан баркамол янги авлодни шакллантирадиган қўлай маскан. Маданият, маърифат, спорт ва компьютер технологияларини ўзлаштиришнинг бор имкониятлари мана шу илм-маърифат ўчоғида мавжуд. Авваллари ҳам шундай эди-ку, демокдирсиз. Шундай, аммо авваллари бу масалага ёндашув бугунгидай янгича бўлмаган. Ҳам соғлом, ҳам маънавиятли авлодни камол топтиришга эришиш барча муаммоларнинг олдини олади. Инсонда маънан юксак тафаккур шакллантирилган, жамиятдаги барча муаммолар мушоҳада орқали таҳлил қилинади. Оқини оқ, қорани қорага ажратиш инстинкти пайдо бўлади. Фикрчан инсон жиноятга қўл урмайди. Қалбида ватанпарварлик, бунёдкорлик, яратувчанликка йўғрилган эзгу мақсад пайдо бўлади.

Шу кунларда Тошкент вилоятининг Бўқа туманида давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга татбиқ этилган беш ташаббуснинг мазмун-моҳиятига назар солсангиз, уларда ўзаро боғлиқ узвийликни кўрасиз. Бу ташаббусларнинг дастлабки ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодларини юзага чиқаришга қаратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Адабиётга, санъатга ошно кўнгида гўбур бўлмайди. Ёшларнинг орзу-умидлари қанот ёзадиган фалсафа онги ва қалби ҳам маънавий озиқланиши, шубҳасиз, келгусида ҳаёт йўлларида аниқ-тиник тасаввур қилиш кўникмаларини оширади. Биргина мисол. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ёш ижодкорларнинг Зомин семинари фаолиятига назар ташлайлик. Бу ишга масъул бўлган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан бугунги кунгача юзлаб ижодкор ёшлар кашф этилди. Уларнинг биринчи китоблари нашрдан чиқарилди. Ёш мамлакатимизда ташкил этилган ижод мактаблари фаолиятини олайлик. Қисқа муддатда ёшларни сифатли ўқитиш ва истеъдодларини юзага чиқаришда эришилган муваффақиятлар салмоғи олтин тарозиларда тортишга арзийди.

Аваз МАРАХИМОВ,
Мирзо Улугбек номидаги
ЎЗМУ ректори,
профессор,
тарих фанлари доктори:



— Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга тақдим этилган бешта ташаббус бутун ўзини жамият тараққиётга хизмат қилишга бурчилан, деган инсонларнинг шуурини уйғотиб юборди. Масалан, шу пайтгача катта бир таълим дароҳининг раҳбари сифатида менинг университет фаолиятини ташкил этиш, ўқув дастурлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар муаммолари каби тўғридан-тўғри воқолатига қирадиган ишларим кўлами мавжуд эди. Очигини айтганда, бу ишлар шу даражада бир-бирига боғланиб кетган эдики, бошимизни кўтаришга вақт тополмасдик. Ўз вақолат доирасида ишлаб, керакли, кераксиз ҳисоботлар билан машғул бўлиб қолаётгандек. Ён-атрофимизда эса мамлакатимиз тараққиёти, айтиш мумкин, даврини ўзгартириш, омманинг дунёқарашини шакллантириш билан боғлиқ тўб ислохотлар бошланиб кетганидан биров бўлса-да, кечроқ хабар топдик. Катта салохият билан беш ташаббуснинг Бўқа туманида амалга ошиётгани ва бугун у ерда янги даврнинг жушқин ҳаёти бошлангани тафаккуримизни ўзгартирди.

Бевосита ўз фаолиятимиздан келиб чиқадиган беш ташаббуснинг барчаси бизга ҳам тегishлидир. Бунини амалга оширишда университетнинг ички имкониятлари етарли. Масалан, "Хумо" талабалар театр студияси фаолиятини олайлик. Ҳозир бу ерга профессионал режиссёр Маъруф Отажоновни таклиф этганмиз. У кишининг кўмагида талабаларимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"

асарини саҳналаштирди. Ёшларимизнинг бошқа актёрлардан иқтидорини кам эмаслигини кўриб қувондик. Улар кимлар? Бири математик, бири тарихчи, бири кимё фани бўйича таълим олаётган йигит ва қизлар. Уларнинг қалби адабиётга ошнолигини айтмайсизми! Ёзувчилар билан бўлган учрашуларда айримлари ўз шеърларидан ҳам намуналар ўқиб беради.

Биз ҳайрон қоламиз. Талабаларимиз кечгаги қишлоқ мактабларидан келган ўқувчилар. Биз беш ташаббус берган илҳом билан ўз режаларимизни ишлаб чиққанмиз. Ҳозир бунга тайёргарлик кетяпти.

Ҳатто Олмазор туманидаги маҳаллалар, мактаб мутасаддилари билан биргаликда шу ишларни амалга ошираётимиз ҳам. Келтурса бунини республика бўйича жорий қиламиз. Фанда юқори кўрсаткичларга эришган олимпиада ғолиблари, халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган ёш мутахассисларнинг амалиётини мактабларда ўтказишга киришганмиз. Олмазор туманида 35 та мактаб бор, улардан 3 таси ихтисослашган ўқув муассасаси. Илғор талабалар, бўлғуси педагогларимизни ёзги оромгоҳларга жалб этиш орқали беш ташаббус йўналишлари бўйича ёшлар онгига таъсир этиш, уларда адабиёт, санъат, тасвирий санъат, компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил этишга эришиш бош мақсадимиздир. Худди шундай амалий учрашулар машғулот кўринишида Бўқа туманидаги мактабларда ҳам амалга оширилади. Бу ташаббус республика бўйича қанот ёзаётган экан, ҳеч ким бу хайрли ишдан ўзини четга тортмас керак. Мирзо Улугбек номидаги Миллий университет жамоаси бутун бу ишларга катта иштиёқ билан киришиб кетган. Бу борада қилинаётган ишларни биргина лавҳа орқали ифодаиб бериш қийин, албатта.

Ўзбекистон Қаҳрамони, фан арбоби, адабиётшунос олим
Озод Шарафиддинов таваллудининг 90 йиллигига

Сирожидин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ

Адабиёт, бадий ижод ҳақида гапирганда, аввало, бу йўлда ёзувчиларга, шоирларга таълим берган, чинакам адабиёт нима эканини ўргатган устозлар эсга тушади. Шарқда Арастуни эҳтиром билан Устози аввал, дея эъзозлашган, Абу Наср Фаробийни Муаллимус соний, яъни Иккинчи муаллим дея эътироф этишган. Дунё аҳлига, одамларга илмни ўргатгани учун, ҳаётда яшашнинг маъни-моҳиятини очиб бергани, кўнгилларга ҳикматли тафаккур ила нур таратгани учун.

Адабиётсевар халқимиз, миллатимиз учун Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ана шундай улғу устозлардан биридир. Озод ака ўзидан аввал яшаган буюк маърифатпарвар адиблар халқ учун нима иш қилган бўлса, Озод ака ҳам ўша шарафли, масъулиятли ва ўта машаққатли вазифани бажарган.

Озод Шарафиддинов, деган-да беихтиёр Чўлпон эсимизга тушади, Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, миллатимиз озодлиги учун курашган маърифатпарвар боболаримиз эсимизга тушади. Миллатимиз зиёлиларини қатагон қилган мустабид тузум даврида ҳукмрон мафкура томонидан таъқиқланган Чўлпонни, унинг сафдошларини халқимиз ёдига солиб, эслашиб турган, керак бўлса, уларнинг эрксевар асарларини тарғиб этган домла Озод Шарафиддиннинг бўлади. Оғзидан ўт пуркаб турган мустабид тузум аждаҳосининг қомида "Тирик сатрлар" китобини нашр этган Озод домла бўладилар. Бу жуда катта жасорат эди.

Хур фикрли маърифатпарварлар, буюк шахслар ўз ақлу зақосининг машъаласи билан ўзларига қизиқишларини тўғри йўлга кўрсатиб туради. Озод Шарафиддинов ана шундай улғу шахслардан бири эди.

Ўтган асрнинг 70–80-йилларида адабий-ижтимоий ҳаётимизда Озод Шарафиддиннинг ўз илмий, ижодий, ижтимоий фаолияти билан маърифатимизнинг пешқадам қарвонбоши бўлган. Халқни уйғоқликка даъват этиш дейсизми, илғор фикрларни тарғиб этиш дейсизми, адабиётимиз келажагини тарбиялаб вояга етказиш ёки истеъдодсиз, саводсиз назмбозликка қарши кураш дейсизми, Озод аканинг қизгин ва кўпқиррали фаолиятида буларнинг барчаси муассасам эди.

Ўша даврда бир янги асар ёзган ҳар бир ижодкор: "Бу асарга Озод ака нима деркин?" — дея домланинг оғзига қараб, фикрини қутар эди. Адабий ҳаётда бадийлик мезонини белгилаб берувчи ҳалол, ҳолис, талабчан,

масъулиятли устознинг фикри биз учун нихоятда муҳим ва қадри эди. Истеъдодсиз ижод намуналарига мурасасиз, қобилиятли ижодкорларга меҳрибон ва айни пайтда талабчан устоз эди Озод ака.

Шу ўринда устоз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеърини эслаш кифоя.

Шеър ёзганда юрак сўзидан
Бошқа сўзни уққан эмасиз.
Нозирларнинг қаттол кўзидан,
Ҳазабидан кўрққан эмасиз.

Фақат шеър ростмона тиниб
Етилмаса, хом чикса беҳос,
Устоз Озод Шарафиддин
Ковогидан кўрққанмиз, ҳолос.

Шогирдларини, истеъдодли ижодкорларни ўша қаттол замонларнинг зугумлари ва худбин ҳасадгўйларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилувчи кат-

та истеҳком, мустаҳкам қўрғон эди Озод ака. Устоз жуда кўп ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимларни тарбиялаб вояга етказган. Таъбир жоиз бўлса, ўтган асрнинг 70–80-йилларида адабиётга кириб келган жуда кўп ижодкорлар Озод Шарафиддиннинг тафаккур қанотлари остида чиққан, десак, муволафа бўлмайди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар Озод акани ўз устози, деб билган. Бу бежиз эмас. Устоз Абдулла Орипов Озод домланинг исмига бағишлаб "Мувашшах" ёзган эди.

Ох уриб ҳар ёнда изғийди шамол,
Замон макон бермай уни қистайди.
Орзуси фақат шу: у ҳам тоғ мисол
Дили ором олиб ётмоқ истайди.
Арсатда инграр тоғлар ҳам аммо,
Кўхи замонадан тополмай илоҳ.
Армон қилар у ҳам шамолдай гўё
Мовий кенгликларда ёзсин дер қулоч.

Мен ҳам Озод домланинг меҳридан баҳраманд бўлган шогирдлариданман. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1982 йил 29 октябрь сониде Озод ака менинг туркум шеърларимга оқ йўл талаб сўз ёзган эди. Ана шу сўзлар ҳеч қачон қўлимдан чиқмайди.

"Шеърини оригинал поэтик образларсиз яланғоч ҳайкалдан ортиқ нарсас эмас. Шеърини шеър қилиш учун, унга жон ато этмоқ учун поэтик образлар, деталлар билан бир қаторда теран фикр керак...

► 2



Уюшма фаолиятидан

Атоқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиннинг таваллудининг 90 йиллигига муносабати билан Адиблар хабарлари унинг ҳайкали пойига гуллар қўйилди ҳамда устоз яшаган хонадонда ёлғорлик лавҳаси очилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилган тадбирда адабиёт мухлислари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, маънавий тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этиб, серкира ижодкор Озод Шарафиддиннинг моҳир таржимон, адабиётшунос олим, мунаққид,

меҳрибон мураббий сифатида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олганини таъкидлашди.

Устоз ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ёзувчилар уюшмаси ва "Мурувват" ижодий гуруҳи ҳамкорлигида атоқли адиб Саъдулла Кароматов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тадбирда "Ватан тақдирини тенг ҳаёт" деб номланган хотира тадбирида таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, талаба-ёшлар иштирок этиди. Тадбирда Саъдулла Кароматовнинг ёзувчи, публицист ва таржимон сифатида амалга

оширган ижодий ишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Тадбир сўнгида "Мурувват" ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган "Ватан тақдирини тенг ҳаёт" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Сурхондарёдаги Адиб Собир Термизий номидаги ахборот-ресурс марказида касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Энг яхши китобхон ўқувчи" кўриги-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Туман, шаҳар босқичларида ғолибларни қўлга киритган ўқувчилар учта шарт бўйича беллашилди. Ғолиблар Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Адиб Собир Термизий номидаги ахборот-ресурс маркази, касб-ҳунар таълими бошқармасининг эспалик совғалари билан тақдирланди.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Куни кеча Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида "Адабий дўстлик — абадий дўстлик" шиори остида адабиёт байрами бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон ва Қирғизистон Ёзувчилар уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонидан 2019 йил 19 январда тасдиқланган "Йўл харитаси" 84-бандида чегара олди туманларида ўзбек ва қирғиз адабиётининг таниқли вакиллари иштирокида адабий учрашулар ташкил қилиш вазифаси белгиланган эди. Тадбирга ташриф буюрган қирғизистонлик шоир ва ёзувчилар "Дўстлик" чегара постига тантанали кутиб олинди. Асосий байрам Хўжаобод туманидаги 9-сонли Мусиқа ва санъат мактабиде бўлиб ўтди. Мактаб ҳовлиси ва биноси фойесиде ўқувчиларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган турли кўргазмалар намойиш қилинди, ёш истеъдод эгалари куй ва қўшиқлар ижро этишди, шеърлар ўқиди.

► 6

ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШ ИЛДИЗИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ташаббуснинг иккинчи қаноти — ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган. Мамлакатимизда спортнинг кўпгина турларида юксак натижаларга эришадиган ёшларимиз сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг янада юқори марраларга эришишлари учун бошланғич спорт тарбияси, кўникмаларини шакллантириш имконияти фақат клубларда ёки спорт мактабларидагина мавжуд. Ваҳоланки, шаҳар ва қишлоқларимизда спортнинг барча турлари билан шугулланишни жон-дилдан истайдиган, жаҳоннинг машҳур футболчилари, бокс-

**Эзгу мақсадларга ҳамроҳ этади,
Шу боис, одамнинг кўзлари очик.
Қалблардан қалбларга меҳр кўчади,
Шу боис, кўнгилнинг нурлари сочик.**

**Шу боис, китобни излаб толмаймиз,
Унинг қатларида ҳикмат яширин.
Муҳаббат иси бор — унутолмаймиз,
Изтироби бордир, севғидай ширин.**

Шоир таърифлаганидек, китобдан таралган зиёни офтобдан бошқа бирон-бир яратқ билан тенглаб бўлмайди. Офтоб зим-зиё тунни ёритгани мисол китоб ҳам одам-зод тафаккурига зиё бағишлайди, фикрий олами кенгайтиради. Инсоният уйғоқ

**Комилжон ТОЖИБОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси**

Ботаника илмий-тадқиқот институтининг директори, академик:
— Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни спортга жалб этиш, шунингдек, компьютер технологияларини пухта ўргатиш ва китоб мутлоасига қизиқтириш давлатимиз раҳбарининг бешта ташаббусида ўз аксини топди. Бу бежиз эмас. Зотан, ушбу сайёҳаракатлар замирида эзгу бир ният — комил инсонни тарбиялаш ва мамлакат ҳаётида ёшларнинг ўрни ва ролини янада кучайтириш мақсади мўжассам. Дарҳақиқат, инсон эртага қандай касб-хунарни эгаллашдан қатъи назар, у аввало, янги-янги фикр-лашга қодир бўлиши керак. Қолаверса, иқтидорли олимлар ҳам мана шундай интеллектуал ривожланган ёшлар орасидан чиқишига шубҳа йўқ.

Шу маънода айтиш кунда институтимиз илмий салоҳиятини мустаҳкамлашда кўпроқ ёшларга эътибор қаратаётганимизни айтиб ўтишни истардим. Бинобарин, кейинги уч йил ичида институтимиз илмий лабораторияларига ўттиздан зиёд ёш ишга жалб этилди. Уларнинг 70 фойздан ортиги турли олий ўқув юрлари, жумладан, ЎЗМУ бакалавр ва магистратураси талабалари ҳисобланади. Асосийси, шу йиллар давомида ишга жалб этилган ёшлар ҳисобига институт кадрларининг 45 фойзи янгиланди.

Биргина ўтган 2018 йилда институтимизнинг 20 нафар ёш ходими Германия, Жанубий Корея ва Хитой Халқ Республикаси ва бошқа давлатларда малака оширишда ва халқаро анжуманларда иштирок этишди. Хитойнинг Кунминь ботаника институтига малака ошириб қайтган бир турмуш ёшларимиз кейинги 20 йилда биринчи марта Тожикистон, Қозғоғистон ва Қирғизистон мамлакатларида бўлиб, бугунги кунда нафақат Марказий Осиёда, балки Ер юзида камёб бўлиб бораётган ўсимлик ва гўёларнинг гербарийларини йиғиб қайтишди.



чилари, курашчилар қаторида бўлишни дилга тугиб юрган ёшлар оз эмас, уларнинг ўз орзу-истак ва истеъдодларини юзга чиқариш учун махсус шарт-шароитлар керак. Энди аввалгидек, яёдоқ дала-даштарда тул суриб, қалбларидаги спортга бўлган чанқоқликни шунчаки қондириш билан қифояланиш биз учун мутлақо ярашмайди. Шу боис мазкур ташаббус юртимизда қанот ёзмоқда.

Ташаббуснинг яна бир қаноти — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишдан иборат. Бу давр талаби. Бугун энг чекка ҳудудлардаги болалар ҳам қўл телефонларидан ўзи қизиққан дастурларни топиб зарур маълумотларни олаётди. Аммо бу етарли эмас. Мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун қишлоқларимизда ҳам шаҳарлардагидек аҳолининг Интернет тизимларидан фойдаланишига шарт-шароит яратиши керак. Бунинг учун қишлоқларимизнинг инфратузулмалари ислохотга муҳтож эди. Давр шиддат билан ривожланмоқдаки, қисқа бир муддат ривожланишда сўхасталикка йўл қўйиш тараққийддан орқада қолиш билан баробар. Давлатимиз раҳбари буни Ўқу туманида амалга оширилаётган тўб ислохотлар моҳиятида кўрсатиб берди. Оммавий ахборот воситаларида Ўқу амалиёти — мамлакатимизда янги даврнинг бошланиши, дея баҳоланаётганида ҳам катта ҳикмат бор.

**Тола зиё тушса, уйғонар умид,
Одамзод нур томон интилиб яшар.
Офтобни тож қилди покликка Ҳамид,
Сўнгра Китоб берди. Уйғонди башар.**

**“Икром” деган сўздан бу олам порлар,
Шу боис, китобга ўхшаган офтоб!
Фикрининг чархлайди, хурликка чорлар.
Илтир қалбининг муз бўлса шу тоб.**

Фаннинг барча соҳаларидаги каби бадий сўз оламида ҳам янги-янгилашга эҳтиёж туғилади. Муайян қонунлар, фикр ва кашфиётлар ўрнини вақт ўтиши билан янгилаш эгаллайди. Адабиётшуносликнинг ўзак масалаларидан ҳисобланган адабий тур ва жанрлар таснифига доир қарашлар ҳозир ҳам долзарб муаммо ҳисобланади.

Адабий турлар таснифи масаласи узоқ тарихга бориб бегоналаниди. Дастлабки тасниф бундан йигирма беш аср бурун буюк юнон файласуфи Аристотель томонидан яратилган ва ҳозиргача ўша тасниф амалда қўлланмоқда. Аристотель тасниф қилган уч адабий тур доирасига кирмаган туртинчи адабий тур мавжудлиги ҳақидаги қараш дунё адабиётшунослигида янгилик эмас. Жаҳон адабиётшунослиги бу ҳақда анча олдин хабар топганлар. Йигирма биринчи аср бошларида келиб ўзбек адабиётшунослигида таниқли олим Баҳодир Саримсоқовнинг “Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар” мақола-си эълон қилинди.

Ушбу мақолада адабий турлар таснифининг жаҳон адабиётшунослигидаги ҳолати, ўрганилиш тарихи, тадқиқотчиларнинг бу борадаги изла-нишлари батафсил баён қилинган. Олим адабиётшуносликдаги мавжуд

АДАБИЙ ТУР МУАММОСИ

уч адабий тур ҳақида тўхталиб, улар доирасига сиймайдиган туртинчи адабий тур борлиги ҳақидаги илк фикрни айнан шу мақолада илгари сурган. Бу турни “паремия” деб номлаб, унинг асоси, ўзига хос хусусиятлари ва жанрлар таркиби хусусида фикр юритган.

Аслида Б.Саримсоқовнинг мақо-ласи ушбу мавзу бўйича баҳс қўзғаш мақсадида ўртага ташланган, унга жавобан турли муносабатлар, фикр ва мулоҳазалар билдирилиши ку-тилган эди. Аммо илмий жамоатчи-лик мақолада кўтарилган маса-ла юзасидан ўз вақтида фикр бил-дирмади. Фақат 2002 йили адаби-ётшунос Узоқ Жўрақулов ушбу та-дқиқот юзасидан жиддий мулоҳаза-ларни ўртага ташлади. Олим тадқи-қотида Аристотелнинг адабий тур-лар таснифи асосини ташкил этув-чи мимесис назарияси мутлоқ на-зария эмаслиги, Шарқ поэтик та-факкури Фарбникидан фарқ қили-ши ва унга Фарб поэтика илмини тўғридан-тўғри татбиқ этиб бўлма-слиги, шунингдек, туртинчи адабий тур — паремия мимесис орқали яра-тилмаслигини асосли тадқиқ этган.

Б.Саримсоқовнинг «Паремия ке-чинма табиати» сарлавҳали кейин-ги мақолада дастлабки мақолада-ги фикрлари янада қатъийлашгани-ни кўрамыз. Кейинги мақолада у адабий турларни учта эмас, тўртта деб кўрсатади ва паремия кечинма табиати хусусида тўхталиб, бадий кечинманинг бу шакли юқоридаги уч адабий турга хос кечинмадан ўзи-нинг барқарор табиати ва таркиби-да ҳиссий нисбатга қараганда ақлий

Бадият ва назария

нисбатнинг устунлиги билан фарқ-ланиб туришини таъкидлаган. Зеро, мақол ва матал, топишмоқ ва афо-ризмлар воқеа-ҳодисаларнинг ўзини эмас, балки улар ҳақидаги фикр ва хулосаларни ихчам шаклда яхлит, дунда ифодалади. Дунё халқлари оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида паремия тур қадим-дан мавжуд бўлиш. Паремия турни табиятга тақдид қилиш орқали эмас, балки воқеликни кузатиш орқали тажриба тўплаш ва уни образли

ифодалаш ҳақида у ҳақда хулоса чи-қариш натижасида яратилган жанр-лар ташкил этади. Паремия тур до-ирасига кирувчи жанрлар турли халқларда турлича бўлиши мумкин. Ўзбек адабиётида мақол, матал ва топишмоқ билан бир қаторда ёзма адабиётдаги афоризмлар, образли ифодалар, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар, мантиқий ва ғайриман-тиқий иборалар, таърих, муаммо ва фардлар паремияга кирди.

Шунингдек, олим “Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар” ма-қолада паремиянинг ўзига хос хусусиятларини иккита деб кўрсатган. Булар: а) ифода-ланган гош халқнинг кундалик тур-мушида йиллар мобайнида тажриба-да синовдан ўтганлиги сабабли ҳеч бир шахсда шубҳа уйғотмайди; б) ҳеч қандай шубҳа, эътироз туғдирмайдиган гоши ифодаловчи асар халқнинг барча вакиллари томонидан бир хил-да, тенг истифода этилади. “Тўртин-чи адабий тур” сарлавҳали мақолада эса, бу хусусиятлар учта деб кўрс-атилган. Яъни паремиянинг ўзига хос биринчи хусусияти сифатида улар кўпчилигининг ҳаётий тажрибалари

Инсон манфаатлари муҳофазаси, демок-ратик тамойилларни қарор топтириш, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикасининг дунё давлат-лари ўртасида нуфузи тобора ортиб бора-ётгани хориж ОАВда ҳам эътироф этилмоқ-да. Дунёни билиш, ундаги илғор ғояларга эргашиш, барча соҳаларда рақобатга бар-дошли, ижобий маънода, курашларда ғолиб бўлиш ва дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, эъти-борини топиш бугунги сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Жамият тараққиётида хотин-қизлар иштиро-ки, уларнинг фаоллиги ҳамisha муҳим аҳамият касб этиб келган. Дунё тамаддунининг бир бўла-ги сифатида бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай. Бугунги кунда хотин-қизларнинг, авва-ло, оилада она, иқтимоий ҳаётда жамоат арбо-би сифатидаги мақомига эътибор қаратсак, шу-бҳасис, бу борада дунё ўлчамлари даражасига етишиб борилаётганига гувоҳ бўламиз. Аммо хали қишлоқ шароитларида қилинадиган иш-лар кўпчилиги ташаббуснинг бешинчи палласи — хотин-қизларни иш билан таъминлашдаги вазифаларга кўрамыз.

Бу йўналишда ҳам Ўқу туманида бошлан-ган ишлар умум фаолиятимизга андоза бўлмоқда. Хотин-қизларни иш билан таъмин-лаш масаласи ҳамisha долзарб бўлган. Ўзбек хотин-қизларининг чеварлиги алоҳида тадқи-кот мавзуси. Самарқанд, Бухоро, Сурхон-дарё, Фарғона зардўзлиги, Қашқадарё, Хо-разм гиламдўзлиги, Наманганда ривож олган тикиб-бичув ишларининг бугунги кунда сано-атлаштириб бораётгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Уларнинг қўл меҳнати, ақлу шуури, қалб ҳаро-



Аброр ХИДИРОВ, ЎЗМУ Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи:

— Жаҳид боболаримиздан бири Абдулла Авлонийнинг ўтган аср аввалида: “Таълим-тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё ҳалокат, ё саодат масаласидир” деган фикри бутун ҳам дол-зарблигини йўқотмаган, десак адашмаймиз. Бутун ёшлар тар-бияси, уларнинг тафаккур мезонларини кенгайтириш, жа-миётга фикрли, орзу-умидли авлодларни тарбиялаб етказиш оламшумул масала бўлиб турибди. Ёшларнинг катта ҳаёт бўса-ғасида дуч келаётган муаммолар қаршисига эсанқираб қола-ётгани бор гап. Баъзан уларнинг чорасизлиги на ота-она, на ён-афродилалар бирор кўмак бера олишди. Гўё, ёшлар вояга етиши билан ўз оламида ўзлари ёлғиз қолаётгандек. Замон ўзгариш-лари бутун ёшлардан жуда кўп нарсани талаб қилапти. Аввало, чўқур билим, кенг фикр, компьютер технологияларидан хабардорлик, жисмоний соғлом бўлиш... Буларга эришиш учун, албатта, китобхон бўлиш кераклиги шу пайтгача уларга етарли даражада аниқлаштирилди. Бу хатоллик, айниқса, айни глобализм жараёни турмуш тарзимизга жамини муаммолари билан кириб келганида яққол кўриниб қолди. Бутун университетимизда ёшлар му-аммолари, умуман, жамиятда юз берадиган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини ўрганиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида махсус “Иқтимоий психологик марказ” ташкил этилган. Марказда социологларимиз мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиши, уларнинг ечимлари билан шугулланишди. Уйлайманки, бундай илмий ёнлашув бугунги кунда бошланғич синфлардан тортиб, ҳамма йўналишдаги таълим муассасалари учун қониқой. Шу боис ҳам мен бу муҳим беш ташаббусни мамлакатимиз ёшларини ноҳўя хатти-ҳаракатлардан сақлашга хизмат қилади-ган қалқон, деб тасаввур қиламан. Бутун бўлажак мутахасссларимиз замон талабларига жавоб берадиган технологиялар билан жиҳозланган, кенг ва шином хоналарда, қўлай шароитларда таҳсил олишяпти. Улар ҳам беш ташаббуснинг аҳамиятини, моҳиятини жуда яхши англаб ет-моқдалар. Сабабки, улар эртанги мактаб ўқувчиларига таълим берадиган, улар қалбига маъна-виятга, адабиётга, санъатга, компьютер техникаларидан фойдаланишга лаёқат уйғота олади-ган, чин истеъдод эгалларини тарбиялайдиган ўқитувчилар, педагоглар, бир сўз билан айтганда бўлсак, эртанги маърифатпарварлардир. Қолаверса, “Президент мактаблари” ташкил этиляпти. Улардаги таълим-тарбия сифатини шубҳасиз ана шундай малакали мутахасссслар кўтарилади, албатта. Шунинг учун ҳам беш ташаббуснинг барча йўналишлари бутунги олий таълим муасса-саларига тўғридан тўғри дахлдордир. Агар беш ташаббуснинг тўб моҳиятига назар солсак, қўзланган олий мақсад жамиятга комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Энг олий натижа ҳам шу. Бу эзгу ишларни оғишмай амалга оширишда ҳар биримизнинг ўз ўрнимиз бўлиши

зимиини ислох қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ик-тимоий соҳани ривожлантириш, хавфсиз-лик, миллатлараро товуллик ва диний ба-ғрикенглигини таъминлаш, чўқур уйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги таш-қи сиёсат юритишнинг асосий йўналиш-лари белгилаб берилган. Бугунги кунда унинг мантиқий давоми сифатида, авва-ло, маънавий ислохотларнинг таълим муас-сасаларидан бошлалар, шу мақсадда мак-табгача таълим тизимини дунё стандарт-лари даражасига кўтариш борасида амал-га оширилаётган тўб ислохотлар замири-да ҳам беш ташаббуснинг мазмун-моҳия-ти намоён бўлади.

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

асосида яратилган доно фикрдан иборатлиги ҳамда бундай асарларни қабул қилишда ҳам эстетик дид ва донолик талаб қилинишини айтилади.

Иккинчидан, паремияда умумин-соний аҳамиятга эга бўлган фавку-лодда доно фикрлар образли ифода этилиши лозимлиги ва шу сабабли паремия асарининг хронотоп қамро-ви уч замон ва тўрт макон доираси каби кенглиги таъкидланади. Учин-чидан, паремия асар ихчам, нисба-тан барқарор кристал шаклга эга бўлиши шарт, дейилади. Булардан келиб чиқиб, олимнинг сўнгги ма-қоласи паремиянинг шакл томони-га хос жиҳатларни ҳам қамраб ол-ган, дейишимиз мумкин.

Айрим тадқиқотчилар паремия фақат халқ оғзаки ижодида учрай-ди, деган қарашга эга. Тадқиқотлар-дан маълум бўлишича, паремия ёзма адабиётда ҳам кенг тарқалган. Хусу-сан, ўзбек ёзма адабиётидаги образ-ли иборалар, парадокслар, муаммо, таърих, фард, афоризм каби жанр-ларда паремияга хос барча хусу-сиятлар мавжуд.

**Зарина РАҲМОНОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
катта илмий ходими-изланувчиси**



УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

...Албатта, ижодда камолотнинг чеки бўлмайди. Ижодда ҳар бир эришилган мар-радан кейин яна янги марралар келадики, уларни забт этиш янада қийинроқ ва машақ-қатлироқ бўлади. Ҳамма гап ижодкорнинг қандай маррага интилишида, ўз зиммасига нечоғлик оғир юк қўя билишида. Сирожи-диннинг ҳозирги шеърлари шундан далолат берадики, у ҳар қандай оғир юкни кўтара ола-диган забардаст елкаларга эга... Устознинг бу фикрлари бутун ҳаётим давомида менга дастуриламал бўлди.

Домла китобни нихоятда севувчи, нихоят-да китобхон ижодкор эди. Жаҳон адабиёти дурдоналарини талабаларга, шоғирдларига кўп тарғиб қилар, жаҳон адабиётини жуда чу-қур билар эди. Халқимиз жаҳон адабиёти дур-доналаридан она тилимизда баҳраманд бўли-шини, замонавий адабиётимиз жаҳон адабиёти микёсида юксалишини, энг яхши асарларимиз жаҳон тилларида таржима қили-нини орзу қиларди. Домланинг ўзи жаҳон адабиётининг энг нодир намуналарини она тилимизга маҳорат билан таржима қилар, шо-ғирдларига жаҳон адабиёти таржимаси юза-сидан топшириқлар берар эди. Нихоят, мус-тақиллик шарофати билан Озод аканинг та-шаббуси, тинимсиз саъий ҳаракатлари ўз са-марасини берди. Давлатимиз томонидан Ўзбекистонда илк бора “Жаҳон адабиёти” журнали таъсис этилди. Домланинг орзула-ри рўйбга чиқа бошлади.

Адабиётнинг машаққатли йўлида шафиқ ва меҳрибон устоз, қўрғондай бўлиб турган мух-тарам домла оламдан ўтганида, назаримда, ҳаётимнинг бир томони ўпирилиб кетгандай бўлган:

**Бўқун нолаларим ноламдан ўтди,
Умр коғоз билан қаламдан ўтди.
Кетди айтилмаган қанчалар калом,
Қанча шеър у баёт оламдан ўтди.**

**Ажал ов қиларми якка-яккалаб?
Тўра Сулаймон
Шукур акалар...
Озод домла янглиг сўз қўрғонлари
Кетдилар.
Дилларда ёд, армонлари.
Қанча сабру сабот оламдан ўтди.
Гўё адабиёт оламдан ўтди.**

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлака-тимиз ижтимоий ҳаётига бешта ташаббус, ай-ниқса, китобхонлик жорий қилинаётган бу-гунги кунда Озод Шарафиддиновнинг ибрат-ли ҳаёти ва фаолияти, асарлари нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини барчамиз чўқур ҳис этиб турибмиз. Озод ака бутун ҳаёти давомида китобхонликни тарғиб қилди, умрининг охиригача миллий адабиётимиз-нинг ривож учун ижод қилди, таълим бер-ди, маърифат тарқатди. Ўзининг забардаст елкаларида маънавиятнинг нихоятда оғир ва шарофли юкни кўтарди. Ўз ҳаёти, ижоди, фаолияти мисолида маънавий жасорат на-мунасини кўрсатди.

Мухтарам Президентимиз Фармони билан бир қатор адибларимиз, жумладан, Озод домланинг умр йўлдоши Шарофат аянинг шу йил “Меҳнат шухрати” ордени билан муко-фотланиши замирида нафақат Шарафидди-новлар оиласига, балки миллий адабиёти-мизга нисбатан юксак қадрият, эҳтиром ва ҳурмат-эътибор мўжассам. Бу муқофот Пре-зидентимизнинг, халқимизнинг, Она Ватани-мизнинг Озод Шарафиддинов сиймосига бўлган юксак эҳтироми тимсолидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафидди-нов сабоқлари давом этади. Устознинг иж-оди ўрганиш, тарғиб этиш, адабий-бадий ғояларини, ижодий мақсадларини рўйбга чи-қариш учун бугунги янги даврда барча имко-ниятлар мавжуд.

Озод Шарафиддинов Чўлпон ижодини тарғиб этиш, ҳимоя қилиш ва адабий ҳаёти-мизда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун матонат билан хизмат қилган эди. Шу ўрин-да Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса, миллат яшайди” деган сўзи мисолида токи миллат яшар экан, адабиёт яшар экан, Озод Ша-рафиддинов ҳам барҳаёт яшайди, дегим ке-лади. Чунки, Озод ака ўз ҳаёти ва умрини миллат ҳаёти, Ватан адабиётига бахшида этган улуг устоз эди.

Устоз Абдулла Орипов сатри.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғофурбеков шу кунларда табаррук 80 ёшини қарши олаётир. Устоз серқирра ижодкор, мусиқа санъатида катта ютуқларга эришган олим, оилада масъулиятли ота, набираларига меҳрибон бобо... У кишининг мусиқашунослик соҳасидаги хизматлари бисёр: бешта монография ва ўқув қўлланмалар муаллифи, 1961 йилдан эътиборан талабаларга қаттиққўл ва талабчан педагог, мусиқашуносликнинг долзарб муаммоларини ўрганишга қаратилган йирик диссертацияларга илмий раҳбар, Шарқу Ғарб мусиқаси илмида ўз сўзига эга олим, кўлаб мақолалар муаллифи, муҳаррир, мунаққид, қомусшунос... Хуллас, машина кўйида олимнинг биргина муҳаррирлик маҳоратини ёритиб беришни мақсад қилдим.



Бугунги илм-фан тараққиётидаги долзарб соҳалардан бири, балки асосийсидир, бу муҳаррирлик, яъни илмий матн таҳриридир. Афсуски, айни дамда мазкур йўналиш йўқолиб кетиш арафасида турибди. Хусусан, мусиқа-шуносликда соҳанинг мазкур тармоғида махсус малака ҳосил қилинмайдиган. Аммо нашр этилаётган ҳар қандай фикр, илмий тадқиқот ишида баён этилаётган ҳар бир жумла илмий асосланиши, муҳаррир "филтритан"дан ўтиши шарт.

Мени илк бор мақола ёзишга ундаган ва уни таҳрир қилиш баробарида мақола ёзиш тартиб-қоидаларини ўргатган устозим Тўхтасин Ғофурбеков бўлади. Дастлабки мақола Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, марҳум Т.А.Поповичнинг шоғирдлари концертига ёзилган тақриз бўлиб, мазкур

газетанинг 2007 йил 6-сонидан эълон қилинган. Устоз нафақат тақриз, мақола ёзиш сир-асорларини ўргатди, балки республикамиздаги нуфузли нашрлардан бўлган – "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси билан ҳамкорлик ўрнатилган сабабчи бўлди.

Муҳаррирлик шунчаки матннинг орфографик хатоларини топиб тузатишдан иборат эмас. Аксинча, муҳаррирнинг вазифаси муаллифнинг ёзиш услубини сақлаган ҳолда, матн мазмунини тўла-тўқис чиқишига кўмаклашиш, бошқача айтганда, ўз тажрибасини ишга солиб, матнга илмий-ижодий ёндошиш демакдир. Шунинг учун ҳам, Шарқу Ғарбда яқин ўтмишда ҳам муҳаррирлик машаққати муаллиф ишига тенглаштириб келинган. Т.Ғофурбеков "Мусиқа – менинг борлигим" монографиясида муҳаррирлик фаолиятига кириб келишини шундай хотирлайди:

"Бундан қарийб ярим аср аввал (1959 йил) Тошкентдаги Толибжон Содиков номидаги Болалар мусиқа мактабиди "Мусиқа адабиёти" фанидан ўқувчиларга уй вазифаси тарзида

МУСИҚИЙ АДАБИЁТ БИЛИМДОНИ

ни юзага келтирарди. Табиийки, болаларнинг ёзма баёнларида талайгина нуқсонлар, фикрлар узвийлиги, мантқиқий хулосалар борасида камчи-

ликлар бўлиб, айнан шуларни маълум тартибга солиш ва жажжи муаллифларга

қайтариб бериш тақозо этиларди...". Т.Ғофурбеков 1981 — 1984-йиллардан бошлаб синфдаги битирувчиларнинг диплом ишлари ўзбек тилида ёзилишини жорий этади. Натижада ўзбек мусиқий атамалари шакллана бошлади. Айтиш жоизки, энциклопедик нашрларда фаолият олиб бориш камдан-кам олимларга насиб этган. Сабаби, қомусчилик ўз соҳасида бошланғич нуктасидан то ҳозирги кунгача бўлган тарихий жараёни қузатишни, воқеаларни ўрганиш ва соҳа янгиликларидан бохабар бўлишни талаб этади. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" мусиқа-шунослик бўйича Бош таҳририят томонидан айнан Т.Ғофурбековнинг маслаҳат кенгаши раиси этиб тайинланиши олимнинг бу соҳада танилган ва тан олинган мутахассис эканидан далолатдир.

Кўп йиллик қомусчилик тажрибаси ўтган асримизнинг сўнгги чорагидан бошланган махсус мусиқий таълим тизимининг маълум босқичларига мўлжалланган, рус ва бошқа

тиллардан таржима қилинган ҳамда ўзбек олимларининг дарсликлари, ўқув қўлланмаларига махсус ёки масъул илмий муҳаррирлик қилишга йўл очди. Дастлабки иш В.А.Варомеевнинг "Мусиканинг элементар назарияси" китобининг ўзбек тили-

га таржимаси бўлди. Бу таржимон томонидан йўл қўйилган бир қатор камчиликлар бартараф этилган, жиддий хатолари тузатилган, илова қисмига Т.Ғофурбеков томонидан таржима қилинган "Мусиқий атамаларнинг қисқача луғати" жойлаштирилган 2-нашри эди (таржимон Махмуд Аҳмедов, биринчи нашри муҳаррири Тўраҳон Мирзаев). Махсус муҳаррирликдаги иккинчи босқич 1979 йил Москвадаги "Мусика" нашриётида бир гуруҳ муаллифлар томонидан ёзилган (тузувчи муҳаррир Т.Е.Соломонова) "Ўзбек мусикаси тарихи" ўқув қўлланмасининг таржимаси бўлди. Навбатдаги муҳаррирлик иши И.В.Способининг "Мусика шакли" дарслигининг ўзбек тилига таржимаси бўлиб, бу консерваторияда мусиқа назариясини ўрганаётган талабалар ва мусиқий асарлар таҳлилий курсини олиб борадиган педагоглар учун зарур дарсликдир. Мазкур жараёнда қайси сўзлар таржима қилинади қайси атамалар европа ибораларида қолдирилади, ўзбекча истилоҳларнинг қай бирини қўллаш тўғриси бўлади каби нозик саволлар олдида бош қотиришга тўғри келган. Айни муҳим ва масъулиятли вазифани устоз талабачани билан уудалай олди. Кейин ҳам у бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмаларига муҳаррирлик қилди. Шунингдек, устоз

муҳаррирлиги остида Илёс Акбаровнинг "Мусиқа луғати" китоби икки марта нашр этилди. Бу асар биринчи ва иккинчи нашрларининг қиёсий таҳлили асосида муҳаррирлик стратегияси, яъни замон талабидан келиб чиққан ҳозиржавоблик ва муҳаррир тафаккурининг эволюцияси ҳақида маълум хулосаларга келиш мумкин.

Т.Ғофурбеков қайси асарга муҳаррирлик қилмасин, албатта, муаллиф ёки таржимон билан ҳамкорликда, ҳам-фикрликда иш олиб боради. Таклиф-мулоҳазаларини, тузатишларини муаллифнинг услубига мос ҳолда киритади. Энг асосийси, ҳар битта сўз, ҳар битта атама устида ишлайди.

Орадан 30-35 йил вақт ўтди ҳамки Т.Ғофурбеков муҳаррирлигида чоп этилган, рус тилидан таржима қилинган дарсликлар барча босқич таълим тизимига долзарблигини йўқотгани йўқ. Мазкур дарсликларни замон нуктаси назаридан қайта нашр этириш ёш авлод мусиқа-шунос-муҳаррирлар зиммасида. Зеро, илм — бу замонлар оша ривожланиб, янгиланиб, атама ва истилоҳлар ҳам ўзгариб бораверадиган жараён.

Қомусий адабиётлар борасида ҳам олдимизда шундай улкан вазифалар турибди. Барча соҳада энциклопедия ёзиш, қомусий луғатлар тузиш жадал ривожланди.

Буни адабиёт, ижтимоий-гуманитар фанлар, юридик фанлар, техника, тиббиёт ва бошқа соҳалар фаолиятида қузатиш мумкин. Таассуфки, негадир мусиқашунослик соҳаси бу борада анча ортда қолаётгандек. Юқорида айтиб ўтганимиз — "Музыкальная энциклопедия" (6 жилди, рус тилида) ва Илёс Акбаровнинг мўъжазгина "Мусиқа луғати"дан бошқа қомусимиз йўқ. Исҳоқ Ражабовнинг "Шарқ мусика атамаларининг қисқача изоҳли луғати" ҳали-ҳануз кўлёмаса сифатида Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасининг кўлёмалар фондидида ўз тадқиқотчилисини кутмоқда.

Устознинг мен ҳавас қиладиган фаилатлари талайгина. Устоз ишга бариқат келади, дарсга кеч қолган талабани ёмон кўради. Хонасида гулларни севиб парваришлайди. Талабалардан ола тилимизда соф сўзлашни, ўзбекча фикрлашни талаб қиладди. Ҳақонийлик, тўғрилиқ, ҳалолликни яхши кўради, ҳақиқатни ҳар қандай нарсадан афзал билади. Муборак ёшлар қарши олаётган устозим, мусиқа санъатининг жонкуяри, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби Тўхтасин Ғофурбековга узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилайман.

Лайло ЖҲРАЕВА,
Консерватория докторанти

"ҚОЯЛАР ҲАМ ҚУЛАЙДИ"

Бухоро вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир ва адиб Тошпўлат Аҳмад қаламига мансуб "Қоялар ҳам қулайди" деб номланган драма сахна юзини кўрди.

Драматург шўро даврида қишлоқларимизда юз берган ҳаётини воқеаларни қаламга олган. Драма қаҳрамонлари оддий одамлар. Умри тракторчилик билан ўтган Турғуннинг чўқур хўрсиниб, армон билан айтган куйидаги сўзлари томошабини бефарқ қолдирмайди: "Биласиз, Қилич ота, ўн йилдан бери трактор ҳайдайман. Қиш демайман, ёз демайман, шу иш деб рулдан тушмайман. Ҳой, Турғунбой, аҳолининг қалай, рўзгоринг бутми, қозонинг қайнаётими, деб сўрайдиган бирорта мардни учратмадим". Драма қаҳрамонининг аччиқ бўлса-да, ҳақиқатга йўғрилган аламли гаплари ўша замондаги оғир шарт-шароитни таъкидлашга хизмат қилади.



Драмани Бухоро вилояти мусиқали драма театрида бир қанча асарини кўйган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Мўминова сахналаштирган. Колхоз раиси ролини "Дўстлик" ордени соҳиби, артист Раҳим Эргашев маҳорат билан ижро этган. Унинг ўзини туттиши, хатти-ҳаракатлари, гаплари томошабин кўз олдида шўро даври раисларининг типик қиёфасини жонлантиради. Шўро замонидида вилоят фирка кўмитасининг муовинлари, албатта, рус миллатидан бўлишган. Шу боис драматург асарга Ашот Гаптарович Сафарян (артист К.Жамолов), Александр Зикирович Якубов (артист К.Фозиллов) образларини олиб кирган. Драматург давр руҳини образлар тили орқали тўлиқ ифодалашга муваффақ бўлган. Раиснинг нутқи орқали унинг қиёфасини: билимсизлиги, порахўрлиги, маънавий тубан бир кимса эканлигини яққол кўрсата олган. Шунингдек, раиснинг гап-сўзларида, одамларга муносабатида характер қирралари тўлиқ очила боришини қузатиш мумкин.

Драмада Сумбула — раиснинг қотибаси ролини ижро этган актриса Орифа Очилова, раиснинг ўғли Тўлабой (артист Р.Раҳматов), туман савдо бошқармаси экспедитори Болта Қайсаров(артист Н.Чўлиев)ларнинг сохта хушомадларига учмайдиган, тўғрисиқ, ҳалол образлар гавдалантирилган. Мазкур драмани томоша қилган томошабин, аиникса, ёшлар мустақиллигининг қадри нечоғли улуғ эканини, уни асраб-авайлаш, мустакил юртга муносиб инсонлар бўлиб етишиш зарурлигини англаб етади, деб ўйлаймиз.

Ш.АХМЕДОВА,
Л.ШАРИПОВА

БЕРКИТИЛМАГАН УЯТ

Яқинда Алишер Навоий номидаги киносарой афишалари қаторида "Қайсаргинам — 2" бадийий фильми рекламасига кўзим тушиб қолди. "Номига қараганда, бу фильмининг биринчи қисми ҳам бор, кино муваффақиятга эришган бўис иккинчи қисмини ишлашган", дея чипта сотиб олдим. Тўғриси, фильми кўрганимга пушаймон бўлдим. Ундаги айрим воқеаларни сўзлаб беришга уяласан киши. Умуман, "Қайсаргинам — 2" фильми ижодкорлари нимани тарғиб қилмоқчи бўлишганини тушунмадим. Фильмининг аввалидаёқ қаҳрамонларнинг, яъни яқиндагина турмуш кўрган ёшларнинг фарзандли бўлиш ёки бўлмаслик тўғрисидаги тортишувларини кузата туриб, беихтиёр, "Тавба!" дейсиз. Эҳтимол, ижодкорлар бу сахнада қаҳрамонларнинг тантқиқлигини ёки ҳали турмуш қуришга тайёр эмаслигини, ёшлигини кўрсатмоқчи бўлишгандир. Лекин... Айнан фарзанд кўриш устидаги тортишувдан бир парчани эътиборингизга ҳавола этамиз:

Аёл: — Нима қиламиз бунди?
Эр: — Нимани нима қиламиз?



Аёл: — Бунди нима қиламиз (қорнини кўрсатиб)?
Эр: — Ман қатган биламан бунди нима қиламиз? Биринчидан, бу сани қорнингда, иккинчидан, бунди манга умуман алоқаси йўқ.

Аёл: — Тушунмадим. Нима, бунди лайлак ташлаб кетдимиз бизга?
Эр: — Нима, ман лайлакка ўхшиманми?"

Бу тортишувнинг давомини ёзиб бўлмайди. Диалогнинг бошдан охири шевага қурилгани ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Ижодкорлар фильмига комик тус бериш мақсадида кўча гаплари, беҳаё жумлаларини ишлатган. Эр-хотин тортишма-тортишма болани олдиришга келишди. Гарчи кейинчалик бу қарордан қайтишса ҳам, айни вазиятнинг ўзи одамга эриш туйилади. Яна бир тушу-

нарсиз жиҳати, ҳеч қайси ўзбек оиласида фарзанди оилали бўлганидан сўнг отанинг улар ётоғига кириб келиш одади йўқ. Фильмда эса ўғлаб бу каби ҳолатларни кузатасиз. Она билан ўғил ўртасидаги диалогга эътибор беринг:

"Она: — Ҳа, нимага тиржайяспиз, куйдирган калладек, бир нарсани қойиллатиб қўйгандак.
Ўғил: — Қойиллатиб қўйдим.

Она: — Вой, нимани қойиллатиб қўйдингиз?
Ўғил: — Сизга совғамиз бор (аёлини кўрсатиб).

Она: — Силарда манга совғами (қулиб), келинпושша, эрингиз ўзимдан пул олиб, кейин ўзимга совға қилиб қайтаради (қулади).

Ўғил: — Сюрприз бор, ойи... (шу дамда келин уялиб кетиб қолади).

Она: — Қанақа приз?
Ўғил: — Сюрприз (қорнини кўрсатиб), резулътат, айт-дингизу резулътат деб.

Она: — Қанақа резулътат?..".

Шундан сўнг тоқати тоқ бўлганиданми ёки хижолат чекибми, "Эй ойи, хомилдоримиз", деб ўғил кетиб қолади. Турмушда она билан ўғилнинг бундай муомаласи кузатилмаган деб ишонч билан айта оламан. Нима бўлганда ҳам бу каби ҳолатга фильм ижодкорлари томонидан бошқачароқ ёндашув керак эди. Умуман, фильмда кўп ҳолат, вазиятларда, ахлоқ-одоб меъёрларидан четга чиқилган ўринлар бор. Хотиннинг эрга хўрматсизлиги дейсизми, эрининг хотинига хиёнат дейсизми... Сценарий муаллифи Аҳрор Нурмуҳаммад. Бугунги кунда енгил-елли юмор орқали одамларга қулги улашётган "Миллион", "Дизайн" каби жамоаларнинг концерт дастурларини кўпчилик кўрган бўлса керак. Фильмдаги энг ачинарли жиҳат унинг беўхшов, миллий қадриятларимизга мос келмайдиган диалогларга қурилганлигидир.

Афсуски, кейинги йиллар ичида бу каби фильмлар кетма-кет экранга чиқиб турибди. Нахотки, комедия ахлоқсизлиқни, одобсизлиқни тарғиб қилувчи жанр бўлса! Кино мутахассислари, шундай фильмларни қўйишга рухсат бераётган мутасаддилар нима дейди бу ҳақда? Умуман, бу каби фильмлардан маънавият ва маърифат ҳодимларининг, Ёшлар иттифоқи фаолларининг, ёшларнинг тарбиясига дахлдор ташкилотлар ва шахсларнинг хабари борми?!

Жасурбек ТОҶИБОВЕ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети талабаси

ФОЛЬКЛОР БАЙРАМИ

Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат бондида лалар ва ўлан ижрочилари иштирокда фольклор санъати байрами бўлиб ўтди.

Ушбу маданий тадбир ёшларнинг фольклор санъатига, аиникса, ўлан ва лалар ижрочилигига бўлган қизиқишларини ошириш, "Устоз-шогирд" аъёналарини давом эттириш, бу йўналишларда ижод қилётган ижрочилар ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида, Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда Республика Маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази томонидан уюштирилди.

Фестивалда маданият ва истироҳат боғи қошидаги "Дурдона" фольклор-этнографик халқ ансамбли, Тошкент ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактабининг фольклор-этнографик ансамбли, Тошкент шаҳар Толибжон Содиков номидаги маданият маркази қошидаги "Нодирабетим" фольклор-этнографик халқ ансамбли, Олмазор тумани 6-сон маданият маркази қошидаги "Ўзбекбойим" фольклор-этнографик халқ ансамбли ва "Ҳилола" намунали болалар фольклор жамоалари концерт дастурларини намойиш қилди.

Айниқса, Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридан халқаро ва Республика танловлари совриндорлари, ўланчилар Турдали Пардаев ва қозоқ оқини Қўлмидан Дүйсенов, Кимёхон Қосимхонова бошчилигидаги ўланчилар гуруҳи, Жиззах вилояти Зомин туманидан ўланчилар Сайёра ва Мафтуна Тўраева, Чилонзор тумани "Гавҳар" МФЙ қошида ташкил этилган "Гавҳар" фольклор гуруҳи, Тошкент шаҳар Миробод тумани маданият маркази қошидаги "Бувиқонлар" халқ фольклор-этнографик ансамбли қатнашчилари ҳамда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактаб қошидаги "Шош" болалар фольклор-этнографик гуруҳининг чиқишлари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Тадбирда шунингдек, Чилонзор ва Учтепа туманидаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказлари қошидаги миллий Ҳунармандчилик тўғрисида қатнашчиларининг кўргазмалари ташкил этилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор Маматқўл Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон халқ артисти Гулшод Отабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Нуриддин Аминжонов ва бошқалар тадбир меҳмонлари бўлишди.

Муҳаммадҷон ҚОЗОҚБОВ



АКВАРЕЛЬ ЖИЛОСИ

Нигора ШОМИРОВА


ка санъати йигирманчи асрда шакллана бошлади. Республикада бу санъатга ўзининг хиссасини қўлган ва мактабини яратган таниқли рассомлар И.Икромов, В.Қайдалов, Л.Абдуллаев, Қ.Башаров, М.Қагаров, Л.Даватқожиқов алоҳида тилга олиш мумкин.

Кўргазмада М.Содиқовнинг "Бухорода чошғон", Г.Наумова-Кимнинг "Чирилдоқ нима ҳақида қўйлапти?", "Сой", "Муқаддас жойлар", Х.Зиёхоновнинг акварелда ишлаган портретлари, Р.Азизовнинг "Шарқ куйи", "Баҳор мавзуси", Л.Тиоранин "Қадимий Бухоро тушлари", Р.Матевосяннинг "Тошбуз" — қадимий шаҳар" сингари бетакор мавзу ва рангларга бой асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Нурхон Зиёхонваннинг "Basha" каби композицияси ёшларда қизиқиш уйғотди.

— Акварелнинг ўзига хос хусусияти бўёқнинг тиник, рангнинг софлигидир, — дейди рассом Хусан Содиков. Акварель тасвирида оқ бўёқ ишлатилмайди. Оқ қозғ бўёқ вазифасини бажаради. Акварельда асар яратиш чоғида рассомдан эътибор ва зийраклик талаб этилади. Меъёрида бўёқ суртилмас, ёйилиб қўзланган манзара ҳосил бўлмаслиги мумкин. Иккинчи марта бўёқ, уни тузатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам акварель ранг-тасвири юзаси силлиқ бўлмаган оқ қозғга ишланади. Акварель услубида рассомлар камроқ ижод қилишади. Чунки уни ўчириб бўлмайди. Рассом қачонки, ўзига тўла-тўқис ишонсагина бу усулда ижод қила олади.

Мазкур кўргазма нафақат ижодкорларнинг сарҳисоби, балки графика йўналишида яратилган энг охири, сара асарлар билан мухлислар қалбидан жой олди.

Нигора ШОМИРОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги
академик лицей ўқитувчиси



Абдусайд
КҮЧИМОВ

Ҳар доим яхши сўз ахтариб яша

Қузғи осмон

Фаройиб ранги бор, қузғи осмоннинг:
Фалакда ярадор туйғулар жанги.
Димоққа урилар чарчоқ карвоннинг,
Ожиз мезонларга осилган чанги.

Уфқлар қонталаш, қуёш ботар чоғ,
Кўксингда нимадир сўна бошлайди.
Ичинга сап-сарик, хазонрез япроқ
Каби маҳзун ҳислар қўна бошлайди.

Тоғлар ёнбошида ҳўрсинар толғин,
Эски, қуя тушган пўстақдай булут.
Маҳзун ҳаёлларга ботганча ҳорғин,
Ненидир кутади сиражин сукут.

Қанча ёз, баҳорин кўрди бу макон,
Кўрди қанча қачин — чақмоқни кўрди.
Гоҳ сомон йўлига тикилди гирён,
Синган ой қошида гоҳ хомуш турди.

Сонсиз юлдузларнинг кўркем ошёни,
Миллиён сайёрага муҳташам кўрғон.
Бугун тушунолмай тубсиз дунёни,
Самовот қошида турибди ҳайрон.

Менинг кўзларимга эриётган шам
Сингари кўринар қуз қаҳқашони.
Хаёлчан кўнглимга ҳамоҳанг — ҳамдам,
Бу осмон, бу кўрғон — менинг осмоним.

Ўққингиз билинди, ака

Абдували акамни хотирлаб...

Бугун йўқлигингиз билинди, ака:
Ташвишли кундамас, ғамли кундамас,
Кўзга қум тикилган чангли кундамас,
Ё ночор, ноилж, тангли кундамас,
Айни тўй кунда билинди, ака,
Кўксим тилим-тилим тилинди, ака.

Оллоҳга шукрки, кам жойимиз йўқ,
Иймонимиз бутун, наргайимиз тўқ,
Ҳаммамиз бир муштмиз, ҳаммамиз бир ўқ,
Аммо йўқлигингиз билинди, ака,
Кўксим тилим-тилим тилинди, ака.

Сизсиз тўй-маърақа қилмасди овул,
Жами юмушларга Сиз бош — баковул,
Мен-чи, мен... Бир ношуд, уқувсиз ва гўл...
Уятдан юзларим шилинди, ака,
Бугун йўқлигингиз билинди, ака.

Мен... Чала шаҳарлик, сипо, олифта,
Сизга орқа қилиб, сиймай қолишга,
Юрган эканман-ку, эрка толибдай,
Илкис тожу тахтим “қарс!” синди, ака,
Бугун йўқлигингиз билинди, ака.

Меҳмонлар келмоқда саф-саф, ҳол сўраб,
Мен нодон турибман унсиз, довлдираб,

Сизни қилираман, қушдай жовдираб,
Бошим гир айланди, кўз тинди, ака,
Бугун йўқлигингиз билинди, ака.

Ахир, ўринингизда қолган эдим-ку,
Шу ишни бўйнимга олган эдим-ку,
Тўйда-чи, дунёга бўлдим-ку қулгу...
Дилимга залворли дард инди, ака,
Бугун йўқлигингиз билинди, ака.

Яхшики, тўй эди, андуҳдан йироқ,
Ғамбода қун эса... Нетардим, бироқ,
Бошимда юз хил ўй, юз битта сўроқ,
Қалбим бўлак-бўлак — бўлинди, ака,
Бугун йўқлигингиз билинди, ака.

Ота эдингиз-да, отамиздан сўнг,
Отамиздай кенг феъл, бағри тоғдай чўнг,
Ҳаммага меҳрибон, доим кўзи ўнг,
Наҳотки, ҳаммаси туш энди, ака,
Э-воҳ! Йўқлигингиз билинди, ака.

Руҳи-пойингизга қилганча таъзим,
Мана, ўлтирибман ёлғиз, маънос, жим,
Энди ўринингизни ким босади, ким?
Кўксим тилим-тилим тилинди, ака,
Бугун...
Бугун йўқлигингиз...
Емо-он билинди, ака...

Бу дўст

Во дари! Дўстман, дебон, беморлигим истар, бу дўст,
Ки бемор ўлсам, бу ҳол, тақдорлигим истар, бу дўст.
Ногаҳон тиздек оёғимни қонатса тош, тикон,
Йўлларимда тош, тикон бисёрлигин истар, бу дўст.
Хў-ўп хато қилсам, хатолар домига тортса беун,
Дом гирдоб қаҳрида абгорлигим истар, бу дўст.
Бошима қун чиқмаса, нур сочмаса ой қошима —
Тухфаю тўёнага тайёрлигин истар, бу дўст.
Қуйдиран бўғзин оловдек, мен нафас олган ҳаво,
Мен учун дунёю дун мазорлигин истар, бу дўст.
Во дари! Дўстман, дебон, беморлигим истар, бу дўст...

Омон бўлсинлар

Бўхтонлар янчилик, сомон бўлсинлар,
Ҳар кимки, алолат томон бўлсинлар.
Бизни билмай туриб, бизга тош отган,
Азизларимиз ҳам омон бўлсинлар.

Сўз қорлаган дам

Синфдошларга

Ҳаётда турфа хил зотни кўп кўрдим,
Яхшилар — шам бўлди, муттаҳамлар — ғам.
Гоҳида султонлар ёнида турдим,
Гоҳида ултонларга бўлдим ҳамқалам.
Гоҳида иқболим лоладай қулиб,
Минг-минг жамоага ҳамнафас бўлдим.
Базида бир ширин сўзга зор бўлиб,
Оёқлар остида хору хас бўлдим.
Шукр, шоён қушлар бўлди беадал,
Сочимдан мўл бўлди “дўстман” деганлар.
Нонкўрлик ҳам қилди баъзи беадал
Имонни нафсига булгаб еганлар.
Асло қайғурмадим, бўлмадим ҳайрон,
Дунёнинг ёмғиру қуюнларига;

Йўлимга гоҳ тузоқ, гоҳ қўйган қопқон
Номард жўраларнинг ўйинларига.
Хуллас, бир қун чангли, бир қуниш нурли
Ўтди неча баҳор, ўтди неча қуш.
Аммо, синфдошлар, сиз каби кўрли
Дўстлар тополмадим дилтортар, дилсўз.
Хусумат, хиёнат сизга бегона,
Манфаат, маломат рақибдир сизга.
Шул боис, қуёшдек бўлиб парвона,
Таъзим қилгим келар ҳар бирингизга.
Шул боис, ҳар сафар сиз чорлаган дам,
Бўрондай кўпириб кўчиб бораман;
Эсимдан чиқади барча ташвиш, ғам,
Бургутдай гупириб учиб бораман.
Дунёда “Содиқ дўст” ниқобига жо
Кўп экан беимон, беҳаё кўзлар.
Энг сўнгги нафасим чиққунча то
Сизга сиғинаман, синфдош дўстлар.

Қайсар

Дунёда одамлар шу қалар мўлки,
Санаб, саноғига етишинг гумон.
Бири оқил, ўктам, бириси тулки,
Ва лекин ҳаммаси ҳазрати инсон.
Турфадан турфадири фикру ўйи ҳам,
Бири гунг, бошқаси бетиним вайсар.
Аммо бир қавм бор, баридан тажани,
Ушбу терс қавмнинг мақоми — Қайсар.
Мумкиндир, мамонтини солмоқлик йўлга,
Динозаврни ҳам қундирмоқ мумкин.
Маймун гориллани ўргатиб қўлга
Ғапирсанг, ғапингга тушунар... Лекин,
Булар-чи, кўнмайди на сўз, на дўққа,
Симёғоч ютгандай гўдайган, қўпол.
Ўзидан бошқани чиқарар йўққа,
Ўзидан бошқанинг илмоси бекор.
Панду насихатта соймайди қулоқ,
Қандай махлуқот бу, бу қандай банда.

Ғазабдан танангни тилса ҳам титроқ,
Терсу тихирлигин қилмайдди қанда.
Айбу хатосини тан олмас мутлақ,
Айтгани айтгану, дегани деган.
Ҳамма масалада фақат ўзи ҳақ,
Бу касдан улуғдир, эсини еган.
Қошингда ҳайкалдай турганда бехос,
Ғалати ўй-ташвиш келар ҳаёлга.
Аёли...
Бечора...
Ҳар қун...
Ҳар нафас...
Ичинг ачиб кетар шўрлик аёлга.
...Гуноҳим шунчалар кўпми, эй, Тангрим!
Нечун дучор қилдинг бундай қайсарга?
Рўбарў қилсанг ҳам ўтирардим жим,
Қаллобга, каззобга, ҳатто, овсарга.
Художон, охири илтижом булди:
Ноилж қулинга нажот қил, наф қил.
Қасдинг бўлса, майли, розиман, ўлди,
Фақат бу кимсангни кўзимдан даф қил.

Омадсизлар

Омадсиз касларнинг аён қилмиши:
Улар ярим тунда топишадилар.
Ўғри, каззобларга ўтмайин тиши,
Омадли зотларга ёпишадилар.

Бу ҳолга сабаб не, бу гурбат нечун,
Нечун фиску фасод — етмайди фаҳмим.
Тона олмасам-да бу сирга ечим,
Омадсиз тўдага келади раҳмим.

Тозалаб бўлмайдиги

Бекорга бўлмагин саргардон,
Беҳуда сарфлама кучингни.
Тозалаб бўлмайдиги ҳеч қачон,
Ичи кир одамнинг ичини.

Савол

Мевали дарахтга отадилар тош,
Зарра мавҳумот йўқ ушбу ҳикматда.
Мевалар турганда, на соғ, на бебош,
Қисир дарахтларга боқмас, албатта.

Шохларин синдириб, тўкиб баргларин,
Кесак отаверса, ўткинчи ҳар кас.
Шўрлик она дарахт, юрак дардларин,
Бировга айтолмай, ингранса бесас;
Саноқсиз саволлар босар ҳаёлни,
Нима деб атамоқ керак бу ҳолни?!

Рақиқалига

Мухаббат борлигин, меҳр борлигин,
Меҳру муҳаббатнинг барқарорлигин,
Меҳрибон дилларнинг бахтта ёрлигин,
Кўрдингми десалар, кўпириб қоним,
Сени кўрсатардим, азизим, жоним.

Қанча сувлар оқди, шамоллар эсди,
Гоҳ қора мушуклар йўлимини кесди,
Кўп кўрдим таъмағир, талончи дўстни,
Сичқонлар талади гоҳ ушоқ ноним —
Нетардим агар сен бўлмасанг, жоним.

Манзилим бир қуни бог, бир қуни сахро,
Гоҳида омад қулди, қулмади гоҳи,
Яқиним деганлар қочдилар, аммо
Ҳазондай бўлмади бўлдинг доимо,
Фақат сен кўзимга сажда қилдинг жим,
Фақат сен суядинг, азизим, жоним.

Оч қуниш оч қолдинг, тўқ қушларим тўқ,
Зарра армонинг йўқ, зарра арзинг йўқ,
Содоқат! Содоқат, сенга минг қуллуқ,
Сен борсан осмоним юлдузга тўлиқ,
Сен борсан бегубор, ёруғ жаҳоним —
Дорбоним, сарбоним, азизим, жоним.

Мўъжиза рўй бериб дунёда агар,
Қирқ гўзал сеники, олгин десалар,
Шамолдек югуриб, елиб саросар,
Боқиб тўймагандек Зухрога тўлиқ,
Пойингга тўкардим дунёда борим
Суғим, буюгим, азизим, жоним.

Мўйга

Дўстларим узукдай олдилар қуршаб,
Кўксим тоғ, қувончим осмонга етди!
Аммо бир танишининг юз-афти шу тоб,
Хазондай бўжмайиб, гезариб кетди.
Айбим шул эдики, ҳамиша унга,
Энг афиф тилаклар тилаган эдим.
Устида тегирмон айланган қунда,
Боимкон, бошини силаган эдим.
Во ажаб!
Нафимиз тегмай қолган қун,
Билакни шимариб, жангга шайланди.
Илон кўзларида адоват ва кин,
Ҳадемай тап-тайёр ёвга айланди.
Ғийбат қўзғунари тўзғиди бебош,
Кўзимни ачитди тухмат тутуни.
Валекин, кин — чинга беролмади дош,
Милдуим ношукр қолди ўқиниб.
...Хануз хатолардан олмайди сабоқ,
Хануз ич-этини ҳасад ёқади.
Дўстларим кетма-кет очмоқда қучоқ,
Унинг баҳараси бўздай оқарди...

Боқий ҳикмат

Дарёлар қурийдил, қурийдил боғлар,
Денгизлар ўрнида, саҳролар пайдо.
Булутта санчилиб тургувчи тоғлар,
Талқонга айланиб кетгайдир гоҳи.
Замонлар ўзгарар, ўзгарар дунё,
Янги сайёралар кўрсатар жамол.
Қуёшдан таралган муқаллас зиё,
Заминни иситмай қўяр, эҳтимол.

Япон тили

Яна чиқди ҳақиқат ғолиб,
Суд ўқиди аччиқ ҳукмини.
Икки соқчи олдиға солиб,
Ҳайлаб кетди қари маҳкумини.
Бир жумбоққа ахтариб ечим,
Битта сўзни қўллаб ноҳўя;
Она тилин бузгани учун
Икки йилга “кетди” қария...
Келтирилди бошқа гуноҳкор,
“Қулф” урилган икки қўлига.
Мажлиси чоғи ушбу мансабдор,
Ғапирмабди она тилида...
Қотилликка тенгдир бу ҳолат,
Тазарруга зарра йўқ ўрин.
Бир кимсасиз оролга бу зот
Узоқ йилга қилинди сургун...
Кам эса-да бу нохуш иллат,
Эзар ҳар бир япон дилини.
Лафзин жондек суйган бу миллат,
Жондек асрар она тилини.

Аёлларга ҳазил

Аёллар-ей, сизни гулдек нозик, деймиз,
Толемизга Оллоҳимдан ёзиқ, деймиз.
Ҳар қун гир-гир айланамиз гирдингизда,
Сизлар бизни боғлаб олган қозик, деймиз.

Нега бизни йўнлмаган таёқ, дейсиз,
Тўғри, саркаш, озроқ Мажнунсёқдирмиз.
Аслан эса ширин сўзга гало — қул-у,
Аёлларга ҳамиша қўл-оёқдирмиз.

Хушрўй калом эшитганда шер бўламиз,
Баҳор гуллар сочиб қўйган қир бўламиз.
Фидо қилиб сизга жисму жонимизни,
Пойингизда чангу тупроқ, ер бўламиз.

Ахир, сиз бор, ҳаётимиз обод, гулсум,
Сизсиз дунё кўркудуқдай сим-сим тилсим.
Устимизга қулагандек бўлғай осмон,
Табассумни қизгансангиз биздан бир зум.

Эй, гўзаллар, сиз ҳам таянч — тиргакларин,
Сизлар учун жони қушдай сергакларин,
Гоҳи ердан чиққандайин қилмай абгор,
Суюб, мундоқ авайланг-да, эркакларин.

Элликдан сўнг...

ҳазил

Элликкача эркак — чақмоқ, дўл бўлади,
Ҳар нафаси дарё, денгиз, қўл бўлади.
Аёлларга ўтар шоли тахти равон,
Элликдан сўнг аёлига жүр бўлади.

Ҳуда қорласа...

Ҳуда қорласа, дарров ишга киришамиз,
Уни-бунни тўғрилаганга тиришамиз.
Ярим кунни ўтказамиз бир амаллаб,
Тушдан кейин хотин билан уришамиз.

Академик Матёкуб Қўшжонов адабиётимиз хазинасини эликдан ортиқ китоблар, катта илмий-адабий мероси билан бойитган атоқли адабиётшунос олим. Уларнинг орасида “Ўзбекнинг ўзлиги” (Абдулла Қодирий ижод маҳорати хусусида), “Ойбек маҳорати”, “Абдулла Қаҳҳор маҳорати”, “Ҳаёт ва маҳорат”, “Ижод сабоқлари”, “Жайхун жилолари” сингари бебаҳо асарлар бор. Устоз умрининг охириги йилларида сермазмун ҳаёт йўли, бевосита ўзи гувоҳ бўлган воқеалар, ҳамсухбат бўлган ажойиб инсонлар, ҳаққимизнинг узок ўтмиши, кейинги қарийб бир асрли ҳаёт йўли ҳақида бой тасаввур берувчи, ёшлар учун ҳар жиҳатдан ибратли бўлган “Дағиш”, “Алам”, “Дийдор”, “Армон” каби хотира китоблар ҳам ёзиб қолдирган. Жумладан, “Юрак дарди” асари ҳам қизиқарли бўлиб, унда муаллиф Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида бевосита ўз кўзи билан кўриб, бошидан кечирган воқеаларни қаламга олган. Маълумки, Матёкуб Қўшжонов урушда снайперчи бўлган, бу эса, табиий равишда фронтнинг илгор жабҳасида ёки энг хавфли жойларида жанг қилишни, махсус топшириқларни бажаришни тақозо этган. Адабиётшунослик илмида ҳам юксак синчковлик даражасига етишган устознинг қирғин-барот жангларда ҳам китобдан айрилмаганига гувоҳ бўламиз. Эътиборингизга адибнинг ўғли Қудрат Қўшжонов томонидан тақдим этилган ушбу асардан парча ҳавола этилмоқда.

Уруш йилларини хотирлар эканман, меннинг маънавий камолотимда икки кишининг қанчалик катта хизматлари бўлганини унутмаман. Бири – шифокор аёл, иккинчиси – оддий аскар.

Жанубликлар учун шимол табиятига, унинг огир об-ҳавосига чидам бериш катта ташвиш. Мен иложи борида ўзимни душман ўқиға қанчалик чап беришга чоғласам, шу даражада ёт табият хуружларидан сақлашга ҳам уринар эдим. Арзимаган сабаб билан сафдан чиқиб кетиш ёки бир умрлик огир касалликка чалиниб қолишни беаънилик деб билардим. Армия сафиди, фронт миқёсида бир неча бор йўл босиб, у жойдан бу жойга кўчиб юрган пайтларимиз кўп бўлган. Булардан энг огири қирқ тўртинчи йилнинг серёғин кеч кузида Волховдан Новгородга, кейин у ердан Финляндия томонга ўтиш бўлди.

Юришлар полкма-полк амалга оширилди. Одатда, полк командири олдинда, кейин штаб, улар кетидан эса батальонлар борарди. Қорми-бўронми, ёмғирми-чақмоқми, аскар учун бунинг ҳеч аҳамияти бўлмади керак эди. Бир кунлик юриш меъёримиз ўттиз беш-қирқ чақирим. Бунинг устига тўйиб ухлаб олиш деган тасаввурнинг ўзи йўқ. Бу ҳақиқий азоб эди. Фараз қилинг: саф тортиб кетаямиз. Шу даражада уйку келадими, кўзлар ўз-ўзидан юмилиб кетаверади, лекин чада шек керак. Гоҳи-гоҳида чопиб сафдан четга чиқиб, юз-кўзини қор билан ишқалаб оламиз. Бу вақтинча уйқуни ҳайдагандай бўлади. Яна сафга туриб, йўлимизни давом эттирамиз. Бундай ҳолат бир неча мароталаб такрорланади.

Бирок шундай пайтлар ҳам бўладики, кўзларни қорға ишқалашга ҳам мадор қолмади ёхуд бунинг фойдаси бўлмайди. Сафда кўз юмилиганича, яъни мудрок ҳолда кетилаверади. Қандайдир бир ички туйғулар туйғайилгизна олдингизда кетаётган жангчининг ҳис қилиб борасиз. Орқадаги қадам шарпаси ҳам эшитилиб туради. Вақти-вақти билан ич-ичингда қай бир сезги ишламай, сафдан орқада қола бошлайсан. Гуё қандайдир кўринмас куч сени бир чеккага тортаётгандек. Бунинг олдинда бораётганлар ҳам, орқада келаётганлар ҳам пайқашмайди, чунки ўзлари ҳам шундай телбагезлик ҳолатида қадам ташлаётган бўлади. Бир неча дақиқа ўтиб, йўл чеккасида бўлиб қоласан ва тўсатдан ўзингни белингача қорға кўмилиб, бир чуқурда ётган тарзда топасан ёхуд бирдангиза қулаб тушасан. Шунда сал ҳушинга келиб, сафга етиб олиб, ўз ўринида қадам ташлашда давом этасан. Бироз вақт ўтиб, то манзилга етиб олгунча шундай ҳолат яна ва яна такрорланаверади...

Юриш узок давом этса, ҳар соатда ўн дақиқалик дам бериш таомилга кирган. Бунинг «привал» деган ўзига хос атамаси ҳам бор. – «При-ва-ал!» – кимдир эълон қилиб қолади.

Саф бошидан жар солинган бу хушхабар бирпасда унинг охирига етиб боради.

Жангчилар шу заҳоти йўлнинг икки четига ёпирилишди, ёз бўлса ўт-ўлан устига, қиш бўлса, қор устига ўзларини таппа-таппа ташлайдилар. Таналари ерга тегди дегунча, кўзлари уйқуга кетади. Ҳаммалари бирдангиза тош қотиб қолишади. Четдан қараганда, қимир этмасдан ухлаётган жангчилар жонсиз латта қўғирчоқлар тўдасига ўхшаб кўринади. Ўн дақиқа худди бир сониядек, ундан ҳам қисқарокдек ўтиб кетади. Бирдангиза:

– По-хо-од! – деган буйруқ янграйди.

Буйруқни жангчиларнинг ҳаммаси баравар эшитишади. Ҳамма бирдангиза ўрнидан сапчиб туради. Елкага илинаётган қуролларнинг шақир-шуқури эшитилади. Ҳар бир жангчи ўрнини эгаллаб, саф олға интилади.

Жуда зарур пайтларда кечалари ҳам йўл юришда давом этилади. Аммо кўпинча окшом пайтлари дам олинади. Ҳордик чиқариш ҳам шароитга қараб бўлади. Юриш жанг майдонига яқин бўлса, ўт ёқишга рухсат берилмайди. Бундай ҳолларда катта қарағай ёки арча дарахтининг тағи бошпана вазифасини ўтайди. Бу дарахтларнинг қойил қолдиган хусусиятлари бор. Оғирлигидан бўлса керак, тарвақайлаб кетган шохлари пастга қараб ўсади.

Жанг майдонидан узокроқ жойларда ўт ёқишга рухсат этилади. Беш-олтитадан дара қуриб, арча ё қарағай тағида гуриллатиб олов ёқилади. Гулхан атрофида арча шохча-

лари қалин қилиб тўшалади. Йўл ошқонаси таркатган кечки овқатдан кейин гулхан атрофида доира бўлиб ётилади. Бундай пайтларда қор-ёмғирнинг жангчилар учун хавфли жойи йўқ. Фақат баъзан дарахтлар орасидан изиллаб ўтиб турган изғирин азоб бериши мумкин, холос. Ундан ҳимояланиш учун шинел этагига, плаш-палаткага яхшилаб ўраниб, бош остига буюмхалта қўйиб олинади. Ялан-

нимжонгина қўқатларга йўл очиб беришга уринарди. Шунчалик узок йўл босиб келганларига қарамасдан, жангчиларнинг кайфияти ҳам яхши эди. Бунинг ҳақиқий дами олиш деса бўларди.

Бирок менга ҳордик татамади. Тўсатдан лоҳас бўлиб, ҳолсизлана бошладим. Ҳовлига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олиб бирор иш билан шуғулланиш ўрнига, ҳолдан тойиб,



ЯХШИ ОДАМЛАР

ғоч қиш ўрмонига барибир кириб келадиган изғирин шамол йўналишига тўсиқ сифатида ўқ-дори қутиларидан фойдаланиб, дарҳол “ҳимоя девори” ҳам ясаб олинади. Шу тариқа “роҳат” қилиб эрта тонггача ухланади. Эрталаб уйғониб, шинелларимиз ва палаткаларимизда танга катталигидидаги тешикчаларни кўрардик. Бу шу яқинда ёқиб қўйилган гулхандан сачраган ўт оқибати бўларди.

Шу орада кўйма ошхонада тайёрланган овқат ҳам етиб келади. Уни тановул қилиб, салгина нимранг сув чой ҳисоблаб ичилади-да, сўнгра кечаси бошимизда паналик қилган арча билан хайрлашади.

Эҳтиёткор жангчиларнинг камарида доим фляга – оғзи маҳкам ёпиладиган фиофилло алюмин идиш бўлади. Йўл юрганда кўп терлашдан тез-тез чанқаб турилади. Россияда нима кўп – сув кўп. Йўл чеккаларида, ўрмон этакларида тошлар орасидан сизиб, ўзига йўл очиб оқиб ётган булоқларни учратасиз. Жуда ёшлигимда отам берган бир насий ҳат сира эсимдан чиқмайди:

– Ишласанг, ё узок йўл юрсанг, баданинг қизийди. Шунда танинг совумасдан туриб совуқ сув ичиш мумкин эмас, – дерди у киши.

Шунга қарамасдан, йўлимизда учраётган бу бехисоб булоқлардан шарқираб оқиб ётган тиниқ, зилол сувлардан ичмасдан ўтиб кетолмасдик. Сафдан отилиб чиқиб, қўқсимизни ерга берганча, булоқ сувларидан симириб-симириб ичиб оламиз, танамиз яйраб кетади. Албатта, Россия сувлари бизнинг юрт сувларидан фарқ қилади, уларда арча ёки қарағай барглариинг ҳиди анқиб туради. Ранг ҳам сарғимтил. Сувдан роса тўйиб ичиб олган, яна сафдан ўз ўринимизни эгаллаймиз. Урушга кетаётган она юртимдаги Амурдарёда тўлқинланиб оқаётган малларанг ширин сувдан тўйиб ичиб олганим кўз олдимда турибди.

Новгороддан Карел-фин бўғозигача қанчадан-қанча қишлоқлару шаҳарларни босиб ўтганмиз. Дивизия-ку мўлжалланган жойга етиб бориб, ҳатто Финляндия ерида жангга ҳам киришиб кетгандир. Бирок мен ўшанда мўлжалга ета олмадим.

Ленинграддан ўтиб, анча юрганимиздан кейин қандайдир қўрғонсифат жойда бир неча кунлик дам олиш эълон қилинди. Бўшаб ётган иморатларга жойлашдик. Бу ерда қаттиқ жанглар олиб борилганлиги шундоқки сезилиб турарди. Иморатларнинг баъзилари қаттиқ емирилган, айримларининг ойна-эшиклари йўқ, деворларда ўқ ва снаряд парчаларининг изи. Нима бўлганда ҳам, бу ҳар ҳолда бошимиздан ўтказганимиз арча тағида, гулхан атрофида тунашдан яхшигича фарқ қиларди...

Баҳор кунларининг бири. Қутилмаганда чарақлаб чиққан куёш илқ нурларини борлиққа сочаркан, қолган-қутган қорни ҳам эритиб,

ўзимни ерга таппа ташлаганимча ўрнимдан туролмадим. Дўстларим чор-атрофини ўрганиб, ҳаммаёқни бир-бир қўздан кечириб чиқишибди. Мен эса ҳушимдан кетиб қолибман, улар бинога қайтиб киришса, шу аҳвол, дарҳол докторни чақиршибди. Мен ўрта ёшлардаги шифокор кўкрагимга бир қарич келадиган ёғоч қарнайини қўйиб:

– Нафас ол! Нафас олсанг-чи! – дея қайта-қайта эшитиб кўраётгандагина сал ўзимга келгандай бўлдим.

Доктор бир зум ўйланиб қолди. Ётган жойимни бир сидра қўздан кечирган бўлди. Сўнгра менга қараб:

– Оғайни, ишларинг яхши эмас, – деди. – Илгари ҳам бир марта шундай бўлган эдим, икки кунда тузалиб кетаман, – деб, Каттақўрғонда ўқиб юрганимда безгак бўлганимни айтиб бердим.

– Йўқ, йўқ, оғайни, бу сафар дард сен ўйлаганчалик эмас, – деди-да, штаб қошидаги разведкачилар командирига қараб қатъий оҳангда:

– Госпиталга! – деди.

Эртасига мени Ленинграднинг Суворов шох қўчасидаги кўпқаватли ҳарбий госпиталга олиб боришди. Биринчи гал ярадор бўлганмиз жарроҳ хонимнинг “ғалабани ярадорлар келтиради”, деган сўзларини яна бир марта эсладим. Чунки ҳали уруш тугаганича йўқ, соғайгач, буюмхалтамини елкага ташлаб, бошдан-оёқ шинелга ўралиб олганча, яна қайсидир фронтга йўл оламан. Лекин ишларим мен ўйлаганчалик юришиб кетаверади. Госпиталда аҳволим анча оғирлашди. Узок вақт иссиғим тушмади. Озиб ҳам қолдим. Тобора ҳолсизланиб, кўзларимдан нуру танамдан қувват кетаётгандек бўлди. Госпиталдан чиқсам, кейин қаерга боришимнинг ҳам аҳамияти қолмади.

Икки марта ярадор бўлиб, кўрмаган госпиталу даволанмаган докторим қолмади. Уларнинг ҳар бири ҳақидаги таассуротларим ҳам ҳар хил. Бирок бу галги шифокорлар бутунлай бошқача эдилар.

Палата доктори Мария Яковлевнани ҳалигача унутолмайман. Унинг жуссаси нозик ва хушқомат, қошлари худди териб қўйилгандек ингичка, кўзлари мулоим боқувчи, нигоҳи жозибали ва маъноли эди. Бу меҳрибон шифокор ҳар бир беморнинг хулқ-атворида яраша эрқаловчи сўзларни топиб гапирар, ўта хушмуомала эди. Менинг қаравотим олдида келганида:

– Азизим, бу қора кўзларни қаердан олгансиз? – деб хаста кўнглимини кўтариб кўяр эди. Ёки бўлмасам: – Ухлайвер, азизим, қанчалик кўп ухласанг, шунчалик тез тузаласан, – дерди.

Ниҳоят, иссиғим туша бошлади. Кўп ўтмай оёққа турдим. Мария Яковлевна мени сира эътибордан четда қолдирмади.

Шу тахлит кунлар ўтаверди. Соғлигим анча яхшиланди. Энди палатага сиғмай қолдим. Кейинчалик госпитал ҳовлиси ҳам менга торлик қила бошлади. Даволаниб, чиқиб кетган палатадош дўстларим кийим-кечак олиб келишди. Касалхона кийимларини яшириб, шаҳарга чиқиб кетдим. Кечкурун анча кеч қайтдим. Доктор аллақачон уйига кетиб қолган бўлса керак, деб бемалол палатага кириб келдим. Не кўз билан кўрайки, Мария Яковлевна палатада кутиб ўтирарди. Навбатчи бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтди. Докторнинг юзига табассум қалқиди. Табассуми ясама, ўзраки, яна ҳам тўғрироғи, бир қадар аразли эди. Сал бўлмаса, киприклари тағидан шашқатор ёш қуйиладигандек кўринди менга. Лаблари нималардир дейишга чоғлангандай бўлди-ю, лекин керакли сўзларни тополмади, чамамда. Ниҳоят, у шошиб ўрнидан турди-да:

– Хайр, яхши ётиб туринарлар, – деганича, тез-тез қадам ташлаб палатадан чиқиб кетди.

Палатага сукунат чўқди. Дераза олдида ётган йигит жимлики бузиб:

– Мария Яковлевна сендан жуда хафа. Ундан кечирим сўрасанг яхши бўларди, – деди қатъий оҳангда.

Узр сўраш учун эса менда журъат етмади. Бўлиб ўтган воқеадан жуда пушаймон бўлдим ва қилмишим учун ўзимни қаттиқ койдим...

Мен билан ёнма-ён Игнатъев деган жангчи ётар эди. Ўзи бирор ҳолат билан ташқарига чиқиб кетганида, палатадаги беморлар уни «инженер» нисбаси билан аташларидан уни сапёр-инженер бўлса керак, деган ўйга бордим. Унинг нима касал билан ётганини ҳам, қайси фронту қайси қисмдан келганини ҳам билмасдик. Инженер қирқ-эллик ёшлардаги киши бўлиб, бизнинг назаримизда, ундан ҳам қариоқ кўринарди. Соқлари сийрақлашиб, оқ оралаган, анча озгин, жағ суяклари бўртиб чиққан. Орамизда тенгдоши бўлмаганимни ёки бошқа сабабданми, у деярли ҳеч ким билан гаплашмасди, бирор нарсаси сўрашганда ҳам, қисқагина жавоб бериб қўй қоларди. Доктор бирор сабаб билан ўз бўлмасига қақириб қолган ҳолларда ҳам, кўп ўтмай қайтиб келарди. Ҳаляти туюлиши мумкин, лекин бирор киши Игнатъевнинг исмини билмасди, шу боис унга яна «Сирли одам» деб лақаб қўйиб олишганди.

Игнатъевнинг битта машғулоти бор эди – китоб ўқиш. Бир кунда битта қалин китобни бемалол ўқиб улгурарди.

Кунларнинг бирида госпитал кутубхонасини излаб топдим. Нималарни ўқиш кераклигига ақлим етса-да, кутубхоначидан нималарни ўқисам бўлади, деб сўрадим. Кутубхоначи инқилобдан олдинги босмаҳоналарда нашр қилинган бир китобни келтириб берди. Бу китоб кўринишидан худди Игнатъев ўқиб ётган китобларга ўхшаб кетар, муқоваси тўқ сариқ матоҳдан. Туб қисмига икки энлик чарм ёпиштирилган. Китобни палатага олиб келиб, Игнатъевнинг китоблари қалашиб ётган жавончаннинг бир бурчагига қўйдим. Игнатъев китобга кўз қирини ташлади-да, мийида кулимсирагандек бўлди. Кейин орқасини ўгириб китоб ўқишда давом этди.

Мен ҳам китоб вақарлашга қарор қилдим. Бу ёзувчи Гаршиннинг онаси билан ёзишмалари бўлиб, китобни биринчи қўришим эди. Аслида, китобга болалигимдан ихлос қўйганман. Бувим катта китобхон эдилар. У кишини кўпроқ ўғилжон халфа дейишарди. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда хирмон-хирмон китоблар ёқилиб, кўмилиб, қабристонларда чириб кетган бўлса-да, бизнинг уйимизда даста-даста китоблар бўларди. Уларнинг кўпи достон-қиссалар, орасида «Каломуллоҳ» ҳам бор эди. Бувимни сира тинч қўйишмасди. Чунки қишлоғимиздаги уйту маъракаларда хотин-халаж орасида китоб ўқийдиган бошқа халфа йўқ эди. Эсимни танганимдан бошлабқувим қаерга борса, у кишини етаклаб юрардим. Ўша вақтлари ёшлари саксонга яқинлашиб, кўзлари хиралашгани боис ёнида махсус чироқ тутиб турувчи бўлмаса, китоб ўқий олмасди. Мен бу ишга жуда ишқибоз эдим.

Тўйларда «Баҳром ва Гуландом», «Юсуф ва Зулайхо» каби ишқий китоблар, маъракаларда эса анбиё авлиёлар ҳақидаги қиссалар ўқиларди. Уларда тасвирланган ҳамма воқеаларга мен сидқидилдан ишонардим, кўп эшитаверганимдан кўплари ёд бўлиб кетганди.

Мана энди госпиталда Гаршин мактубларини ўқий бошладим. Аскар учун хат ёзиб, унга жавоб олишдан севиблироқ машғулот йўқ. Баъзан яқин одамимдан келган икки энликина хат ҳам бир неча кун руҳингга тетиклик бағишлайди. Кутубхоначи ҳам худди билгандек менга шу китобни топиб берибди-да, деб ўйладим ўзимча.

Уч кун ичида китобни ўқиб тугатдим. Она ва ўғил мактубларининг ҳар бир сатридан уфуриб турган ўзаро ҳурмат, меҳр-мухаббат менга қаттиқ таъсир қилди. Китобни роса берилиб ўқийганимдан бунинг Игнатъев ҳам сезди, шекшили:

– Китоб қалай экан? – деб сўраб қолди.

Авалло, бу «сирли одам»нинг менга мурожаат қилинган ажабландим. Иккинчидан,



унинг гапириш оҳангига қандайдир синчковлик борлигини сездим.

– Яхши экан, – деб қисқагина жавоб бердим. Игнатъев мен томонга бурилиarkan, бир оз чехраси очилгандек бўлиб деди:

– Чехов, Горький деган ёзувчилар бор. Лев Толстойни ўқиш мумкин...

Бу гапларни ҳам у илгаригидек совуққонлик билан айтиб, яна китоб ўқишга тутина бошлаганида мен:

– Лев Толстой ниҳоятда сертафсилот, Чеховда эса менга нотаниш, тушунишим қийин бўлган сўзлар кўп, – дедим хозиржавоблик билан.

У менга бироз текилиб турди-да:

– Ундай бўлса, сенга қайси ёзувчилар кўпроқ ёқади? – деб сўради.

Каминага нисбатан унда қандайдир қизиқиш пайдо бўлгандай эди. Мен бепарволик билан:

– Лермонтов, Тургеневни ёқтираман, – дедим.

– А-ха!.. Шундай дегин! – деди-да, нариги ёнбошига ўгирилиб, тагин китоб ўқишда давом этди.

Ҳақиқатан ҳам, мен Лермонтовни жуда яхши кўрардим. Унинг «Замонамиз қаҳрамони» романи буюмхалтамининг асосий юки эди. Бу ажойиб китобни қайта-қайта ўқиб чиққанман. Бир пайтлар, урушдан анча олдин гуржи адиби Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон» китобини бутунлай ёд олган эдим. Ўша вақтларда нашр қилинган «Сибейский лугат» ҳам мен учун қимматли китоблардан ҳисобланарди. Энди эсласам, ўша пайтларда ҳамма нарсасига қизиқувчан бўлган эканман. Ёртўлларда, кўним жойларида «Мабодо биров ўқиб бўлиб ёки эсдан чиқариб қолдирмадимкан», деб биринчи излайдиган нарсам китоб бўларди. Бирини ўқиб тугатмасиданоқ иккинчисини олган пайтларим кўп бўлган. Доимо китоб билан банд бўлганимдан жангчи дўстларим, командирларимдан кўп танбехлар эшитардим. Менга ҳатто «Китобхон» деб ном қўйиб олишганди.

Бу тафсилотлардан, албатта, Игнатъев бе-хабар эди, лекин китобга ихлосим баланд эканини сезган кўринди. Кунларнинг бирида у қаерда ўқиганимни сўраб қолди. Мен ўқитувчилар институтининг иккинчи курсидан урушга сафарбар қилинганимни гапириб бердим. Шундан кейин у мен билан илиқ гаплашадиган бўлиб қолди, лекин камгаллиги ўзгармади. Шунинг учун унинг билан апоқ-чапоқ дўст бўлиб кетолмаслигимизга ишонч ҳосил қилдим.

Соғайиб, шифохонадан чиқиб кетиш ол-дидан иккита воқеа юз берди. Биринчи ҳолатда жуда ноқулайлик сезган бўлсам, иккинчисидеа хурсанд бўлдим.

Мария Яковлевна ҳўжжатларимни тартибга солиш учун ўз хонасига тақлиф қиларкан, энди соғлом эканимни билдириб, бошқа шамолламасликка ҳаракат қилишни кераклигини уқтирди. Ўзбошимчалик билан шаҳарга чиқиб кетганимни унутмаганимни айтиб:

– Шуни эсдан чиқарманг, менинг дайди дўстим, – деб танбех бериб қўйдим.

Хижолатда докторнинг юзига айбдорларча назар ташладим. Лекин у менга бошқа бирор таънали сўз айтмади, бундай одоб ва меҳрибонликдан чексиз миннатдор бўлдим.

Доктор ҳузуридан чиқиб, палатага келганимда бу ерда ҳам мен қизик бир ҳолатга дуч келдим. «Сирли одам» менга қутилмаганда илиқ муомала қилиб қолди. Назаримда, доимо қовоғи чимирилган Игнатъев бирдангиза ўзгаргандай эди. У тимирскиланиб, ён дафтариини топи-да, ичидан битта варағани авайлаб йиртиб олиб:

– Мана бу Ленинград университетини топиш йўллари. У ерда шарқшунослик факультети бор. Сен ўшанда ўқийшнинг керак, – деди жиддий оҳангда.

Мен бу тақлифдан чексиз қувондим. Бу одамнинг дилимдаги ниятимни англаганига қойил қолдим. «Демак, у менга ишонади», деб ҳаяжонландим ичидида.

Кўп ўтмасдан, елкамда буюмхалта, бошимга қия ўрнатилган пилотка, бўйним оша ўралган шинел оёғимда кирза этик билан бир гуруҳ соғайган ярадорлар сафида яна жанг майдонига йўл олдим. Энди ўзим ўрганиб қолган дивизияни топиб, унга қўшилишнинг иложи йўқлигини ҳам яхши билардим. Бу гал жангчи қисмати мени 1-Болтиқбўйи фронтининг олдинги маррадаги 46-мотоўқчи бригадасига бошлаб келган эди.

Бошланиши 1-саҳифада

Ана шу гўзал маъвога саёҳати-мизни юксак тоғлар этагидида Зомин шаҳридан бошладик. "Афросиёб" поездлари гувиллаб ўтаётган Дашнобод кўрғонидан Зоминга олиб борадиган йўл Ялта ва Симферополь ораларидаги трассадан ҳам кўра раво ва обод бўлибди. Туман маркази янги бoғ ва хибонлар, меҳмонхона ва супермаркетлар, санатория ва болалар дам олиш масканлари билан янада гўзаллашгани кўзни қувонтиради. Шаҳардан ўтиб, тоғ йўли бўйлаб юқоридагининг сайин Миллий табиат боғи манзаралари завқингизга завқ кўшади. Юксак тоғлар тўшидаги Супа расадхонаси ҳамда Бахмал кенгликларига тутах довонгача чўзилган йўлнинг кенг йўли тарафидида қад кўтарган меҳмонхона ва сайёҳлик манзиллари, дам олиш ва спорт мажмуалари, халқаро туризм объектилари, замонавий лойиҳадаги қишлоқлар чиройини кўриб, мазкур ҳудуд жаҳонга доғруғи кетган машҳур курортлардан қилинмайдиган дилторлар масканга

УЛУҒ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

айлиниб бораётганини ҳис этасиз. Уриқлисоида, асрий арчзорлар бағрида барпо этилган кўрма сўхатгоҳ — ижод маскани эса ана табиатнинг ноёб дурдонаси — Зомин тоғлари жамолини янада очиб юборган. Ложиқард осмон, кўм-кўк арчалар, мусасффо ҳаво илҳомингизга илҳом кўшади. Сўхатгоҳнинг лойиҳа-тарҳи очик китобга ўхшатиб яратилгани ва айнан Уриқлисоида қурилгани ҳам бежиз эмас. Бунда катта раъсий маъно бор. Илк бор 1997 йили ана шу манзилда фаолият бошлаган ёш ижодкорларнинг Зомин семинари жуда кўплаб истеъодларни кашф этди, адабиёт майдонига навқирон авлод вакиллари дадил кириб кела бошладилар. Зомин ижод мактаби 2017 йилдан бошлаб яна ўз фаолиятини давом эттиратгани ҳам давлатимиз раҳбарининг адабиёт ахлига, айниқса, ёш истеъодларга бағрини кенг очиб, ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатаётганидан далолатдир. Ана шу ғамхўрликнинг шарофати билан Уриқлисоида ёзувчи ва шоирлар кишин-ёзин муайян муддат яшаб ижод қиладиган, саломатлигини тиклайдиган мажмуа қад ростлади. Бу вазифани Навоий кон-металлургия комбинати ўз зиммасига олди".

...Ҳақиқатан ҳам ҳамкасбимизнинг тўлиб-тошиб тасвирлаганича бор экан. Санатория замонавий меҳмонхона, тиббий ускуналар ва спорт анжумани, тезкор алоқа-коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Сўхатгоҳда ижодкорлар билан бир вақтда тоғ ва саҳролар бағридан нодир маъданлар қазиб олаётган ноёб касб эгалари ҳам ўз соғлиқларини тиклайдилар. Бир сўз билан айтганда, ёзувчи ва шоирлар шу ернинг ўзидаёқ қайноқ ҳаётнинг ичидида бўлишади. Зомин қаҳрамонлари билан бевоқифа мулоқот қилиб, уларнинг ютуқ ва муаммолари билан танишадилар, қончили жараёнларига оид тасаввурларини бойитадилар. Адабий протоколлар билан учрашув ва мулоқотларда ҳикмат кўп. Дарҳақиқат, муҳташам сўхатгоҳнинг бир юз эллик ўринли шинам анжуманлар зали ҳам ижодий кечалар, шеърхонлик, китоб мутолаасига доир гурунлар, истеъодли ёшларнинг Зомин семинари машғулоти учун фойдали маскан бўлиб хизмат қилади.

Уриқлисоидаги арчзор тоғ ёнбағри — катта йўл ёқасидаги баланд шохсуна узра олоқ қўш мисол қанот ёзган сўхатгоҳнинг гўзаллиги бу ерда қадими теккан ҳар қандай одамни мафтун этмай қолмайди.

Қурилиш жараёнининг бевоқифа иштирокчиси Исомиддин Эшқуловнинг ҳўқия қилишича, Уриқлисои сўхатгоҳининг тарҳи дастлаб Навоий

шаҳридаги лойиҳалаш институтида яратилибди. Меъморлар маҳорати қойил қолмай иложингиз йўқ. Шу манзилда яна бир нечта кўп қаватли замонавий сўхатгоҳ ва туризм иншоотлари қурилишига тараддуф қўрилаган экан. Унинг айтишича, Зомин тоғлари тез орада халқаро туризм ва саломатлиқни тиклаш марказига айланиши шўбҳасиз.

— Қурилиш жараёнини 2017 йил март ойида бошлаган эдик, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Зарафшон қурилиш бошқармаси участка раҳбари Шўхрат Исканов. — Бир ярим йилдан ортиқ вақт мобайнида катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж, пардозлаш-жиҳозлаш ишлари бажарилди. Иситиш тизимларини ўрнатишда янги инновацион усулдан фойдаландик: хоналар юқоридан ўтган — мунтазам равишда иссиқ сув айланадиган қувурларга ҳаво оқимини йўналтириш орқали иситилди. Энергияни кўп тежайдиган бу тизим тоғ шароитида кўп келади. Совутиш ускуналари ҳам шу усулдан

ланишлари мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир қаватда навбатчи шифокорни қақриб, қон босимини аниқлаш, зарур бўлганда муолажа олиш хоналари мавжуд. Мухими, санаторияда бой кутубхона ҳам фаолият олиб боради. Тантанали очилиш маросимидан сўнг ушбу кутубхонага Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан китоблар тақдим этилди. Тантанада иштирок этган шоир ва ёзувчилар ҳам ўз асарларини совға қилдилар.

— Зомин тоғларининг орасида, энг манзарали, баҳаво жойда ижодкорлар учун замонавий сўхатгоҳ қурилгани барчамиз учун қувончли, унутилмас воқеа бўлди, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али. — Хоналари шинам, оёйишта, ижод учун қўлай, тинч макон бўлибди. Бу ерда ижодкор ўз олдига бир ижодий мақсад қўйиб келса, албатта, эзгу ниятига етади. Президентимизнинг илтифоти билан қисқа вақт ичидида бунёд этилган бу бинода ҳали кўп улғу асарлар ёзилишига ишонаман. Таъкидлаш жоизки, ижодкорларга яна бир катта им-



ишлайди.

Сўхатдошимизнинг гувоҳлик беришича, иш айна тигиз пайтларда уч юзга яқин навоийлик бинокорлар вагон-уйларда яшаб меҳнат қилишибди. Қўлигул қурувчилар лойиҳадагидан ҳам кўркам қилиб барпо этган санаториянинг турли қаватлари, тефалар, гулдор чойнак-пиёлалар қўйилган бир ва икки ўринли ҳамда люкс хоналар, уларда яратилган қўлайликлар, хоналар ва қаватлардаги умумий дам олиш жойларини беэаган юмшоқ гиламлар, чиройли меҳмонларни кўздан кечириш янада завқли. Ижодкорлар учун мўлжалланган хоналарга эса қўшимча тарзда компьютер, Интернет алоқа воситалари ҳам қўйилган.

— Мен Зоминнинг сўлим гўшасида ажойиб сўхатгоҳ очилиш маросимида иштирок этарканман, сўз ва амал билриги ҳақида ҳаёлга толдим, — деди Ўзбекистон халқ шоири Энаҳон Сиддиқова. — Президентимиз барча соҳаларда улкан ташаббуслар билан чиқмоқда ва бу ташаббуслар кўз ўнгимизда амалга ошаётганига бутун мамлакат гувоҳ бўлиб турибди. Албатта, ният қилиш яхши, аммо уни рўёбга чиқариш учун заҳмат чекиш керак. Мамлакатимиз ижодкорлари учун ҳам барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бу ташаббуслар нафақат бугун учун, балки келажакни ўйлаб амалга оширилмоқда. Биргина Ижод мактаблари очилишининг ўзи ҳам адабиётимизнинг буюк келажакига қўйилган пишмиқ пойдевор бўлди. Мана, бугун Зомин бағрида бунёд этилган янги ижод маскани барчамизга муборак бўлсин.

Бинонинг юқори қаватларига чиқиб-тушишда ойнаванд лифтлар кўп келади. Атрофдаги манзарани тўсмайдиган бу лифтлар Хитойда ишлаб чиқарилган. Санаториянинг тиббий муолажа ҳамда спорт билан шуғулланиш хоналари эса алоҳида бўлмада жойлашган. Бу ерда даволашувчилар замонавий диагностика ускуналари, ультратовуш, ингалация хоналари, фитобар, шунингдек, теннис, вело-тренажёр, ҳаракатланувчи йўлак каби қурилмалардан фойда-

коният яратилди. Тошкент шаҳрининг марказида, Алишер Навоий номидаги Миллий богда Ёзувчилар уюшмасининг биноси қуриб битказилганда ҳам, унинг ёнида Адиблар хибони бунёд этилганда ҳам мана шундай ҳайратга тушгандик. Мисли қурилмаган ҳодисалар бўлган. Айни пайтда Тошкент вилояти Паркент туманида яна бир шундай бино қад ростлаяпти. Давлатимизнинг шунча ғамхўрлиги, меҳрибончилигининг қадрига етиб, муносиб жавоб бериш керак.

Бино фойёиси деворидиги улкан картина диққатингизни тортиши тайин. Унда атоқли ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг бир гуруҳ ижодкорлар билан сўхатлашавгани тасвирланган. Бу тарихий асар 1977 йили расом Ренан Емельянович Вико томонидан яратилган бўлиб, асл нусхаси пойтахтимиздаги Санъат музейида сақланади. 2017 йили расом Б.Чориев томонидан аслидагидек қилиб кўчирилган ушбу нусха эса Уриқлисоидаги ижод масканига тақдим этилганда қадар Навоий шаҳридаги "Фарҳод" Маданият саройи залларини беэаган эди.

Бинонинг орқа томонида ландшафт меъморлиги асосида қурилган 180 ўринли амфитеатр ёз оқшомлари ижодкорлар билан янада фойзли бўлиши шўбҳасиз.

Давлатимиз раҳбари: "Мамлакатимизнинг тақдирини келажакга учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган азму жиҳатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш биз учун энг муҳим масаладир", деб таъкидларкан, миллий тарққиётимизнинг янги даврида маънавий ҳаётнинг барча бўлақларида халқ манфаатлари учун жон кўйдириш, барқарор соғлом муҳит яратиш вазифасини назарда тутган. Уриқлисоида қад кўтарган муҳташам мажмуа ана шу соғлом муҳитнинг шарофатидир.

Бошидан қори кетмаган мағрур тоғлар, ям-яшил арчзорлар билан қопланган тик қоялар, шарқираган

сой бўйида қарийб 4 гектар майдонда ястанган мазкур саломатлик масканида ушбу маҳаббатли бинони барпо этишда иштирок этган қурувчилар, Ёзувчилар уюшмасининг кексаю ёш аъзолари, Жиззах вилоят адабий жамоатчилиги, зоминлик пиру бадавлат нурунийлар, динимиз пешволари, сенатор ва Ўзбекистон Республикаси Президентини администрацияси масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Қувондиқ Санақулов маросимни очар экан, давлатимиз раҳбари ташаббуси, бевосита меъморий ечимлар борадида берган кўрсатмаларига кўра қисқа муддатда қад ростлаган бу бинони қуриш жараёни ҳам ижодкорларнинг илҳоми жўшгандаги каби завқу шавқ билан кечганини фахрланиб таъкидлади.

Қолаверса, қончилиримизнинг юрт туғроғини гад-гардига кўздан кечириб, ноёб маъданларни ажратиб олиш жараёни ҳам ижод аҳлининг игна билан қудуқ қазиган каби машаққатли изланишларида узвий ўй-ғушлик мўжассам. Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари бежиз бу икки муҳим кўтбни бирлаштирмагани хусусида бот-бот тўхталиб ўтдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, унинг фаол аъзолари ҳам Президентимизнинг ижод ахлига кўрсатилган ғамхўрликларига кейинги икки йилда ўзларининг қатор ҳозиржавоб ижод махсулларини тақдим қилди. Чунончи, Уюшма муассислигидидаги нашрларда "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлнамаси билан", "Адиб ва жамият", "Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги", "Адабий дўстлик — абадий дўстлик" каби ўнлаб руқнлар ташкил этилди ва уларда туркум-туркум бадиий-публицистик, шеърӣ ва насрий асарлар эълон қилинди. Президент қабулхоналари фаолияти акс эттирилган "Халқ қалбига йўл", НКМКнинг 60 йиллигига бағишланган "Туғроғи олтин дийёр", "Мен Ўзбекистон фуқаросиман" жамоавий тўпламлар, Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон қаламига мансуб "Фарғоналиклар", Сирождидин Сайиднинг "Сув келтирган энди азиз", Махмуд Тоирнинг "Янгилабавтган Ўзбекистон" китобларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу борада, айниқса, Ижод мактаблари фаолиятининг мустаҳкам йўлга қўйилгани, халқ орасидан ёш истеъодларни излаб топиш, уларда адабиётга, китобга меҳр ўнготиш, салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун шароитлар яратишда эътироф этишга арзирли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бу каби эзгу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Саломатлик масканининг очилиш маросимида сўлим "Уриқлисои" бағрида "Ёш ижодкорларнинг Зомин семинари"нинг очилиш тарихи қайта-қайта тилга олинди. Эндиликда унинг фаолияти мунтазам давом эттирилаётгани ҳамда яқин келажакда бу семинар фаолиятини халқаро кўринишда ташкил этиш, унга ён қўшни мамлакатлар ёш ижодкорларини ҳам тақлиф қилиш, адабий дўстликни том маънода абадий дўстликка айлантириш лойиҳалари устида изланишлар олиб борилаётгани ва бу муҳташам бино келгусида ана шундай эзгу мақсадларга ҳам хизмат қилажиги қувонч билан таъкидланди.

Очилиш маросимида Президент маънафатчиси Х.Султонов, Жиззах вилоят ҳўқими Э.Солиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирождидин Сайид сўзга чиқдилар.

Тадбир Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги "Фарҳод" маданият саройи ижодий жамоаларининг катта концерт дастурлари ва уюшма аъзоларининг шеърхонлиги билан якунланди. Тантанали очилиш маросимидан сўнг тадбир иштирокчилари ва жамоатчиликка Рамазон тўғрисида — ифторлик дастурхони ёзилди.

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

ИННОВАЦИЯГА
ТАЯНГАН ДАВЛАТ
ЮТАДИ, РИВОЖЛАНАДИ

Бошланиши 1-саҳифада

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки тарққиётнинг ҳозирги инновацион босқичида илмий салоҳиятдан унумли фойдаланилмас, барча жабҳада ортда қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Айниқса, саноат корхоналарининг рақобатдошлигини ошириш, аввало, ишлаб чиқаришдаги муаммоларни бартараф этишни илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришни, илгор ишланмалар, замонавий технологияларни амалиётга изчил жорий этишни тақозо этаётир.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, янги фикр ва янги ўрнини босадиган ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни кўпайтириш керак. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса ушбу ишланмалар маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қизиктириши ва харидориги бўлиши зарур.

Дарҳақиқат, шундай. Шу боис кейинги пайтда юртимизни инновацион жиҳатдан ривожлантириш ислохотларининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Буни биргина — 2014-2018 йилларда давлат бюджетини маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин. Бунинг самараси ўлароқ, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди. Аммо таҳлиллар илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан кўпроқ фойдаланиш имконияти кенглигини кўрсатмоқда. Ана шу жиҳат инобатга олинган ҳолда, илм-фан олдида улкан максадлар қўйилди: 2030 йилга қадар Ўзбекистон Глобал инновация индексида илгор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаши керак!

Очиги, бу юксак натижани қўлга қиритиш осон кечмайди. Бунинг учун, биринчи галда, илм-фан соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш зарур. Эътиборлиси, айни шу ҳаёт ҳақиқати инобатга олинган ҳолда, "Фан тўғрисида" қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, охириги йилларда илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш ва самаралорлигини тўбдан оширишга қаратилган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 июлдаги "Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самаралорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳада сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб бергани билан ғоятда аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланган ҳолда яратилган товарларни (бажарилган ишларни, қўрсатилган хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу

натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

2018 йил 1 октябрдан бошлаб муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ҳамда тижоратлаштиришда иштирок этган илмий жамоага муассаса ҳисобига келиб тушаётган маблағларнинг тегишли равишда 40 ва 30 фоизи миқдорда қўшимча бир марталик муқофотлар жорий этилди.

Яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлар юртимиз олимларининг хорижаки билан рақобатга қириша оладиган технологик ишланмалар, тежамкор ускуна ва жиҳозлар яратилишига катта туртки бўлди.

Яширининг ҳожаги йўқ, ақин-ақингача ҳамкорлиқнинг бундай шарт-шароитлари таъсирчан қилиш ҳам ортиқча эди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш бир-биридан узоклашиб кетганди. Илмий-тадқиқотчилар, айниқса, ёш олимларнинг изланиши, ўз ихтироларини амалиётга синаб кўришда кўплаб тўсиқларга дуч келар, оқибатда истиқболли ишланмалар қозғола қолди кетарди. Энди эса манзара тамомилла ўзгармоқда. Илм-фан ва таълим соҳаси ходимлари изчил рағбатлантирилмоқда. Агар 2018 йил 1 сентябрдан илмий ходимларнинг маоши ўртача 25 фоиз, жорий йил 1 январдан 20 фоиз оширилган бўлса, 1 июлдан яна 25 фоиз кўтариладиган бўлди.

Президентимиз Талабалар шаҳарчасидаги учрашувда ушбу амалий чораларнинг манғийки давоми сифатида 2019 йил 1 сентябрдан барча давлат таълимкорларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланаётган, таълим ва илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган фан номзодларининг маошига 30 фоиз, фан докторлари учун эса 60 фоиз устама ҳақи белгиланиш тақлиф қилди.

Давлатимиз раҳбарининг бундай ғамхўрлигидан иқтидорли ёшлар, тадқиқотчилар, олимлар ҳам бебаҳра қолаётгани йўқ. Уларнинг илмий изланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, энг муносиб ихтиролар тезда амалиётга жорий қилинади. Президентимиз таъбири билан айтганда, Инновацион ривожланиш вазирлиги бу борада илмий марказ, база вазифасини ўтайди. Шу маънода, мазкур вазирлик қарийб 25 минг нафар йигит, киз тахсил олаётган Талабалар шаҳарчасига жойлаштирилгани айна мўдао бўлди.

Зотан, ноёб ихтиролар, иқтисодийнинг ривожлантиришига хизмат қиладиган ишланмалар илмий тадқиқот учун қўлай шарт-шароит мавжуд жойдагина яратилади. Шу мезондан қаралганда, ҳеч иккиланмасдан, юртимизга "Ихтиролар Ўлкаси", дея таъриф беришга тўла ҳақлимиз. Негаки, бугун фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиб, интеллектуал мулк муаллифлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинмоқда. Бу эса уларни эртанги кунимизни бутунгидан-да фаровон бўлишига хизмат қиладиган илмий ишланмалар яратишга ундаётир.

Қаландар АБДУРАХМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиги

Айни кунда беш ташаббус рўёби юзасидан пойтахт вилоятининг Бўқа туманида бошланган хайрли сатъ-ҳаракатлар бутун мамлакатимиз аҳлининг хайрат ва ҳавасини келтирмоқда. Улкан ташаббус қишлоқларимиз қиёфасини тўбдан ўзгартириб, юрғидаги ўти бор ҳар бир юртдошимизни бунёдкор ҳаёт қучоғига чорламоқда. Жойларда ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла гузарлари, стадионлар, маданий-маърифий масканлар, мактаб-боғчалар қад ростлаб, кишилар кўзини қувонтирмоқда.

Ўзгаришлар жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида туман ИИБ бошлиғи Илҳом Хўдойбергенов секторига қарашли «Каттаровот» маҳалласига йўл олди. Туман марказидан чиқиб, манзилга элтувчи қишлоқ йўлига бурилди. Йўл бўйларидида ям-яшил пахта далалари, бошоқлари ҳосилга тўлган бўғдойзорлари кўриб, кўз қувонади. Қаёққа қарамайлик, эртанги ҳаёт ишқидида сидқидилдан меҳнат қилаётган юртдошларимизни кўрамиз.

Маҳалла марказида сектор бошлиғи ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одил Қўлбоев билан учрашамиз. У киши Юрбосқимнинг бешта ташаббуси исботи бўлиб ҳудудда амалга оширилаётган ишлар кўламини ҳақида тўқилганини гапирди:

— Мажмуд 528та хонадон аҳли ҳудуддаги ўзгаришлардан беҳад мамнун. — Ин-

чунун, маҳалламиз аҳлининг хашарларда фаол иштирок этаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Кўчаларимиз тозаланиб, йўлларимиз кенгайтирилмоқда. Маҳалладаги барча эски бинолар қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этмоқда.

Дарвоқе, ташаббусдан руҳланган маҳалла тадбиркори Бобур Душобоев «Атро-банк» АТБ туман бўлимидан олинган 250 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига ҳавас қилса арзийдиган ёшлар мажмуаси қурилишини қуриб битириш арасида. Қурилишда иштирок этаётган ёшлар маҳалла обод бўлиб бораётганидан қувониб, гайрат билан меҳнат қилишмоқда.

Энди мазкур объектда ишлайётган Обиджон Холдировнинг сўзларини тингилейлик: — Касбим — гишт терувчи уста. Танишларим хорижга ишлагани боришга

ТАШАББУС САФАРГА ЧОРЛАЙДИ

тақлиф қилишганда рад этиб, тўғри қилган эканман. Тез орада маҳалламиз ўхшаши йўқ бўстонга айланади. Бугунги кунда маҳаллада бекорчи ёшлар қолмади ҳисоб. Ҳамма бўлаётган ўзгаришларга ўзининг ҳиссасини қўйиш ҳаракатида меҳнат қилаётир.

Марказий кўчага салобат бағишлаб турган муҳташам бино эътиборимизни тортиди. Бино атрофи анвойи гулларга бурканган. Айтишларича, бу 8-оилавий қишлоқ поликлиникаси экан. Бир кунда юз нафар миқозга хизмат кўрсатадиган бино тўбдан


таъмирланиб, ишга туширилгани нафақат маҳалла аҳли, балки шу атрофдаги олтига қишлоқ аҳолисига катта қўлайлик туғдирди. Бу ерда 46 нафар олий ва ўрта таъбиёт ходими фаолият олиб бормоқда.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш беш ташаббуснинг муҳим шартларидан бири саналади. Бунга жавобан маҳалла хо-

тин-қизларидан уч юз нафарини иш билан таъминлаш учун «Max Mash textile» МЧҚ томонидан энгил конструкцияли тикув фабрикаси қурилиши қизғин давом этмоқда. Бўлғуси тикувчи опа-сингилларимиз касб малакаларини эгаллашлари учун Бўқа агротадбиркорлик коллежида машғулотлар олиб боришмоқда.

Умуман, туман хотин-қизлар кўмитаси маълумотида кўра, ташаббус тадбирлари бошлангандан буён оқил-тўғри тадбиркорлик учун 303 нафар хотин-қизга кредитлар ажратилиб, 485та янги иш ўрни яратилган.

Юртимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, янгилаш фикрлайдиган ёшлар салоҳиятини юзга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш йўлида катта ижобий ишлар қилинмоқда. Ёшларни ўқитиш-тарбиялашда таълим соҳасидаги инновацион ўзгаришларни туман марказидан олсида жойлашган «Каттаровот»даги 8-ўрта мактабда ҳам кўрилади. Мухим ташаббус шарофати ила мактаб



биноси қайта таъмирланиб, таълим-тарбия ишлари жонлангиларган. 468 нафар ўқувчи таълим олаётган бу даргоҳда қисқа муддатда 12 та тўғарак очилиб, унга 250 нафар ўқувчи жалб этилди. Мактабда маком, рақс, пазадачилик каби янги тўғараклар иш бошлагани ота-оналарни ҳам қувонтирди. Тўғараклар ишини юритиш учун 5 та иш ўрни очилди.

Тумандаги «Янгиқўрғон» маҳалласида олиб борилаётган ободонлаштириш ишларини кўриб, ташаббус бу ҳудудда ҳам кенг қулоқ ёётганига гувоҳ бўлдик.

3-секторга қарашли мазкур ҳудудда 60 ўринли замонавий болалар боғчаси, ёшлар сайлгоҳи, маҳалла гузарини, 28-мактаб бинолари қурилиши ҳамда қайта таъмирлаш ишлари жадал бораётир.

Ишга туширилиш арасидаги тўйхона, замонавий супермаркет, мансий хизмат кўрсатиш уйи, бир сменада 150 нафар хотин-қиз ишлайдиган тикувчилик цехлари маҳалла кўрмига кўрк кўшади, албатта.

Мухтасар айтганда, энг чекка ҳудудларда ҳам кўзини қувонтирадиган замонавий тулар-жойлар, равои йўллар, мактаблар, спорт, маданият мажмуалари қад ростлаётгани бу улкан ташаббуснинг нақалар ҳаётбахшлигини намойиш этиб турибди. Асосийси, мамлакатимиз раҳбарининг беш ташаббуси барча юртдошларимизни фахр ва гурур билан обод манзиллар сари чорламоқда.

Султонбой ДЕХҚОНОВ

Мақсуд Шайхзода таваллудининг 110 йиллиги



Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларидаёқ К.Яшиннинг “Улим босқинчиларга”, С.Абдуланин “Даврон ота”, “Қўчқор Турдиев”, Уйғуннинг “Она”, Ҳ.Олимжоннинг “Муқанна”, Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий” драмалари сахна юзини кўрди. Адиб Мақсуд Шайхзода ҳам бу мавзудан четда қолмай, ватанпарварлик, душманга нафрат туйғуси билан сўғорилган “Қураш нечун?”, “Берлинда суд бўлғуси”, “Капитан Гастелло”, “Қуёш Шарқдан чиқади”, “Йўқ, мен ўлган эмасман” каби ўнлаб шеърлар ёзди, аммо бу ижодий ишларидан кўнгли тўлмасди. Шу аснода Жалолиддин Мангуберди тимсоли кўз ўнгидега асқанди. Ҳамид Олимжоннинг Янгийўл театрида сахналаштирилган “Муқанна” драмаси кўригидан Тошкентга қайтаркан, кўз ўнгидега ёзилмас асарининг айрим сахна ва кўринишлари ўта бошлайди. Уша кезлари Шайхзода домла жуда қисқа — қарийб уч ойда уч минг мисрадан иборат тарихий драмани ёзиб тугатди ва кўиниси Маннон Уйғуннинг эшиги бўсағасида ҳозир бўлди.

қа вилотлардан ўша даврга оид китоблар, қўлёзмаларни топириб, ўрганади. Тарихий ашёлар, курол-яроғлар, кийим-кечақларни Хоразмдан келтиради. Спектаклнинг мусикий партитурасини яратиш учун Манас Левиевни ҳамкорликка қорлайди. Зеро, спектаклнинг умумий руҳини мусиқа орқали томошабинга ётқизиши режиссёр муҳим деб ҳисоблаган.

Рангларда ширин ранг-ранги хунундир, Ким нола тингласа уники ҳузур. Бирдан ўлдирмасам дейман кишини, Дарҳол битирмасам санъат ишини. Даставвал кессаму олмасам жонин, Менга ёлворсаю мен ичсам қонин.

Драматург ва режиссёр томонидан Чингизхоннинг бу тарзда тасвирланиши фақат ўрта аср фотиҳининг қиёфасига тааллуқли бўлмай, балки халқимизнинг тинч ҳаётига хавф солиб, миллионлаб беғуноҳ одамларнинг қонини тўқкан фашистлар, уларнинг раҳнамолари қиёфасини очишга ҳам хизмат қилган. Буни фронтга жўнатилаётган жангчиларга кўрсатиш орқали бўлғуси аскарларда душманга нафрат кўзғатиш мақсад қилинган.

М.Шайхзода пьесани Шекспир трагедияларига қиёсан ёзгани Жалолиддин Мангуберди ва Мирзо Улуғбек ҳақидаги асарларида яққол кўзга ташланади. Шекспирнинг барча драматик асарлари беш пардадан иборат бўлиб, уларни “драматик роман”, дейиш мумкин. Хар икки драматург пьесаларидаги воқеалар маълум бир макон ва замонда қаҳрамонлар тақдири, тарихий жараёнлар келтириб чиқарган вазиятлар билан боғлиқ.

Мақсуд асар қисқа муддат намойиш этилганига қарамай, томошабин юрағида чуқур из қолдирганининг сабаби, аввало, драматург режиссёр Маннон Уйғур билан асар устида узоқ ва пухта ишлаган. Маннон Уйғур тарихий шахс ҳақидаги асарни сахнага қўяр экан, ижрочилардан роллари матини яхши тушунибгина қолмай, уларнинг ички қувватини, ҳаракатини очишни талаб қиларди. Уйғур образининг руҳияти унинг жисмоний хатти-ҳаракатларига монанд келишини таъминлаш билан чекланмай, пьеса матни, қаҳрамон нутқининг ички қувватини ишга солишга, уни очишга алоҳида эътибор берган. Бу Уйғур мактаби, режиссурасининг асосий хусусиятидан бири бўлиб, миллий ижрочилик санъатининг ифода воситаси эди.

“Жалолиддин Мангуберди” Мақсуд Шайхзода-нинг драматургия соҳасидаги илк қадами бўлишига қарамай, XIII асрда Ватан хитомаси учун ҳаёт-мамот жангга кирган буюк саркарда қиёфасини юксак профессионал даражада яратган. Маннон Уйғур эса спектаклдаги образларнинг (Жалолиддин — Шукур Бурхон, Темур Малик — Абдор Хидоятон, Султонбеги — Сора Эшонтўраева, Чингизхон — Амин Турдиев) психологик жиҳатдан серқирра ва пухта ишланиши асосида сўзни, матини чуқур идрок этиш, сўз ва унинг қудратини хар бир қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси ва ички руҳий ҳолатига муҷассам ҳолда намойиш қилишга эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам Уйғур сахналаштирган спектаклларда психологик ечимлар, поэтик реализм чуқур миллий хусусиятга эга бўлган. Бу эса унинг ўзбек халқ маданият мероси, сўз санъати аъёналарини мукамал билгани, чуқур ҳис этганини кўрсатади.

“Жалолиддин Мангуберди” драмасининг сахна умри қисқа бўлганига қарамай, спектаклнинг довриги, ундан кейин ёзилган шу мавзудаги асарларни ортда қолдириб, ҳамон халқ тилидан, томошабин эътиборидан тўшмай келаётир. Мақсуд Шайхзода-нинг ёзувчилик маҳорати ва Маннон Уйғуннинг режиссёрлик санъати га муҳлислар хали кўп замонлар таҳсинлар ўқийди.

Жўра МАҲМУДОВ,
режиссёр

2010 йилдан буён Франциянинг Канн шаҳрида, айнан Халқаро Канн кинофестивали ўтаётган кунларда “ENTR’ 2 MARCES” халқаро кинофестивали ҳам бўлиб ўтади. Мазкур кинофестивалнинг асосчиси ҳамда президенти Доминик Веран таъкидлаганидек, бу фестиваль аҳамияти, маданий ҳаётда тутган ўрнига кўра Канн кинофестивалидан кам эмас. Чунки бу кино байрамида имконияти чекланганлар, инсонийлиги юксак, маънавий бой тақдир эгалари ҳақидаги фильмлар намойиш этилади.

КАНН ФЕСТИВАЛИДАН ХУШҲАБАР

Аслида ҳам “ENTR’ 2 MARCES” жисмоний имконияти чекланган, лекин интилишларининг чеки йўқ истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларга салоҳиятларини намоён қила билиш, тўрт мучаси соғ ижодкорлар орасида ўзларини эркин ҳис эта олишлари учун имкониятлар бериш мақсадида ташкил этилган. Фестиваль конкурсига тақдим этиладиган фильм қайси тилда бўлмасин, у, албатта, инглиз ёки француз тилида субтитрлаштирилиши шарт.

Ўзбекистонлик ёш режиссёр Шокир Холиқов ҳам “Чой” номли қисқа метражли фильми билан мазкур танловда қатнашди. Фильм қаҳрамони ёшани яшаб, ошини ошаган қария. Уни ёшлик кучқудрати тарқ этган, чол тўшакка михланиб қолган. Бир замонлар елкаларида кўтариб катта қилган, ўзи емай едириб, киймай кийдириб ўстирган фарзандларнинг эътиборига муҳтож. Аини дамда унинг томоғи қаҳраб кетган, қани энди бир пилёгина чой бўлса... Мана, кўз олдида чой турибди, лекин унга



Бу йил “ENTR’ 2 MARCES” кинофестивалида иштирок этиш учун 91 давлатдан 700 дан ортиқ иштирокчи ариза берди. Улардан 29 таси танловда иштирок этиш учун саралаб олинди. Фолиблар Гран-при, томошабин меҳрини қозонган фильм учун Жорж Лотрен номидаги мукофот, энг ёрқин гоё, энг яхши ҳужжатли фильм, энг ёш иштирокчи учун таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланадилар.

етиб бориш учун қуч-қувват қани? Кексалик, ожизлик, меҳр-муҳаббатга, оддийгина инсоний муносабатларга муҳтожлик, фильм қаҳрамонининг чорасиз ҳолати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ш.Холиқовнинг “Чой” фильми Каннда бўлиб ўтган “ENTR’ 2 MARCES” халқаро кинофестивалининг Гран-при мукофотини қўлга киритди.

Ўзбекистонлик киноижодкорни юксак мукофот билан қўтлаймиз!

БУХОРОДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлар уюшмаси, уюшманинг Бухоро вилоят бўлими, вилоят маданият бошқармаси ташаббуси билан бир неча ихтисослашган мактабларда таъкид композитор, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Ойдин Абдуллаева билан ижодий учрашув ва маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Санъат даргоҳларида бўлиб ўтган бундай тадбирларда композитор ўқувчилар ва ўқитувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди, ўз ижоди ва фаолияти, яратган асарлари, устозлари, шоғирдлари, илмий изланишлари ҳақида гапирди. Муаллиф ижросида фортепианода “Ноктюрн”, “Прелюдия” сингари, шунингдек, “Мафтуна” телесериали учун ёзган асарлари антради, шоир Иқбол Мирзо шеърига басталган “Ойла маҳияси”, “Менинг юртим” ҳамда Абдураҳмон Жўра шеърига басталган “Эй, гул” номли эстрада қўшиқлари видеослайд орқали намойиш қилинди. Маҳорат дарси давомида Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактабининг иккинчи босқич мусиқа назарияси бўлими ўқувчиси Ғайратхоннинг композиторликка қизиқиб ёзган асарини бирга таҳлил қилишди. Бўлажак композитор керакли маслаҳатларни олди. Ижро этилган асарлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув давомида Бухоро вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Йўлдош Генжаев, бошқарманинг бош мутахассиси Муҳаммад Раҳматов, уюшманинг Бухоро вилоят бўлими аъзоси Машраф Қодиров сўзга чиқиб, композиторга таърифи ва ижодий учрашувлар учун миннатдорлик билдиришди. О.Абдуллаева санъат мактаби ҳоаларига “Бастакорлик санъати”, “Сольфеджио” дарсликларини, фортепиано учун ёзилган асарларини совға қилди.

Диловар ҚОДИРОВА

ОРЗУЛАР ПАРВОЗИ

Халқаро маданият карвонсаройида ёш расом Комила Зиганшинанинг “Орзулар парвози” деб номланган илк кўргазмаси очилди. Экспозициядан ўрин олган рангли қаламда чизилган қирқдан зиёд расм болаларни эрталар оламига етказайди. Ёш расом Республика ва халқаро миқёсда болалар ўртасида ўтказилган танловлар иштирокчиси. “Тошкент қувончлари” VII халқаро болалар расмлари Биенналесида эсдалик медалли билан тақдирланган. Энди ўн икки ёшга тўлган Комила “Мен сени қўтараман”, “Доим биргалик”, “Узоқ қутилган учрашув”, “Илк қадамлар”, “Унга учини ўргат” каби расмларида дўстлик ва ўзаро ҳамдамлик туйғуларини ифодалаган.

Япониялик фотограф Жин Акинонинг “Ўзбекистон: аънавий маданият лаҳзалари” номли янги альбому чоп этилди. Японияда биринчи бор китоб-альбом жанрида яратилган мазкур альбом Ўзбекистон меъморчилигига бағишланган. Китобдан Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Қўқон ва Фарғона каби шаҳарлардаги ЮНЕСКО рўйхатига киритилган тарихий обидалар акс этган суратлар ўрин олган. Тўртдан уч қисми қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига бағишланган китоб муқоваси “Шоҳизинда” тарихий маҳмузининг тасвири билан безалган. Альбомдаги матнлар инглиз, рус, япон ва ўзбек тилларида берилган.

— Суратга олишни илк бор Самарқанд шаҳридан бошлаганман, — дейди Жин Акино. — 2008 йили энциклопедия лойиҳасида иштирокчи бўлиб, Самарқанд давлат тарих ва маданият музейида кўргазмам ўтказилди. Мана энди юртингиздаги ўн йиллик фаолиятимнинг ижодий маҳсули сифатида альбом чоп этилди.

Мақсуд китоб-альбом Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганининг далилидир.

С.КОСИМОВА

“САРДОБА” ФРАНЦУЗЛАРИНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

— Концерт дастуридан сўнг туңги соат бирда олти нафар ансамбль иштирокчисини Ганна шаҳри ҳокими уйига бошлаб берди. Бизни хонадон бекаси ва фарзандлари очик чехра билан қутиб олди. Меъзбонлар шу қадар самимий, беғубор эдиларки, ўзимизни худди уйимизда юргандек ҳис қилдик. Хонадонда XVII — XX асрларга тегишли мусиқа асбоблари сақланаркан. Болалар ушбу созларни бир-бир қўлимизга тутқазилар, биз билганимизча чалиб, қўйиқ куйлардик. Хонадон эгалари бизга жўр бўлишар, бирга рақсга тушардик. Бор-йўғи бир ярим соат ичда юз йиллик кадрдонлардек бўлиб кетдик. Ваҳоланки, бир-биримизнинг тилимизни тушунамасдик, таржимон ҳам йўқ эди. Қалбларимизни санъатнинг кўринмас иплари боғлаб қўйганда, — дейди биз билан суббатда Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидида “Фарҳод” маданият саройининг “Сардоба” фольклор-этнография ансамбли бадий раҳбари Алишер Абдумуродов санъатнинг қудрати ҳақида сўзларкан.

Дарҳақиқат, ансамблнинг Францияда ўтказилган “Дунё маданиятлари — Ганнат 2018” Халқаро фестивалда иштирок этиши ўзбек-француз халқлари мадани-

яти ва санъати ришталарини маҳкамрок боғлади, десак муболага бўлмайди.

Мақсуд тадбирда 54та давлатдан фольклор жамоалари иштирок этди. “Сардоба” жамоаси фестивал доирасида Франциянинг қатор шахару кишлоқлари, маданият клублари, қариялар уйлари ва болалар оромгоҳларида ўз дастурларини намойиш қилди. Қарийб бир ойлик ижодий сафар чоғида ансамбль тақдим этган 38та концерт дастури французларнинг меҳр-муҳаббатига, фестиваль ташкилотчиларининг эътирофига сазовор бўлди. “Келатин салом”, “Бешик тўй”, “Суннат тўй” каби сахна кўринишлари ва миллий рақслар хар куни икки мингдан уч ярим минггача томошабини хайратлантириб, ўзбек санъатига олқишлар олиб келди. Жамоанинг дастурлари хатто таънаффуссиз давом этар, ёши улуг отахон ва онахонлардаги кўтаринкилик, жўшқин кайфият томошабинларга қўчар, ҳеч ким даврани тарқ этишни истамасди. Томошабинларнинг илтимосларига кўра жойларда ўзбек рақс санъати бўйича маҳорат дарслари ташкил қилиниб, унда турли ёшдаги французлар ўзбек рақсга тушишни маш қилишди. Энг ҳаяжонли учрашув Бурж шаҳрида бўлиб ўтди. Ансамбл-

нинг чиқишларидан руҳланган одамлар тинмай “Сар-до-ба! Ўзбекистон!” деб ҳайқирди. Томошабинлар ансамбль иштирокчилари билан хайрлашаётганда кўз ёшларини тийиб туролмадилар.



Фестиваль кунларининг бирида Ганна шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон маданияти кунлари ташкил қилинган, шу муносабат билан минглаб меҳмонлар ва томошабинларга ўзбек палови тортилгани ҳақида жамоадагилар жўшиб гапириб беришди.

— Фестивалнинг эътиборга молик томони иштирокчиларнинг француз оилаларида яшаганла-

ри бўлди, — дейди ансамбль иштирокчиси Ойбек Раҳматов. — Биз бахонада французларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, таорикчилари билан яқиндан танишдик, улар билан руҳан яқинлигимизни ҳис қилдик. Менга энг таъ-

тиваллар бўлиб ўтадиган Нормандияда қилган сафарлари ҳақида жамоа аъзолари хурсанд бўлиб гапирди. Фестиваль ташкилотчилари ансамблга “Ҳақиқий фольклор санъати” учун таъсис этилган дипломни топшириш, ганналик устозларнинг ансамбль иштирокчисининг ёш ҳайкалини ишлаб тақдим қилишгани қатнашчиларга гурур бағишлади.


“Фарҳод” маданият саройи “Сардоба” фольклор ансамбли Президентимизнинг маданият ва санъатни ривожлантиришга қўрсатаётган гамхўрлиги ҳамда комбинат раҳбариятининг моддий қўллаб-қувватлаши туфайли нуфузли фестивалларда иштирок этиб, юртимиз довригини таратиб келди.

Яқинда матбуот хабарларида АҚШнинг йирик нашрларидан бири “The New York times” газетаси Ўзбекистонни 2019 йили таъриф буюриш тасвия этилаётган 52 мамлакат сирасига киритгани, сайёҳлик манзиллари рўйхатида Ўзбекистон Франция ва Швейцариядан олдинда тургани ҳақидаги маълумотларни ўқиб хурсанд бўлади киши. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда “Сардоба” каби фольклор жамоаларининг ҳам ўрни бор, деб ўйлаймиз.

Мўминмирзо
ХОЛМУМИНОВ

ЧОРШАМЪ

НАВБАХОР ФАСЛИ АРО



Гул Ватанга

Гул Ватанга яйрангиз дўст-ёр ила,
Қалбида меҳру муруват бор ила.

Очибли боргай кўнгли кошонаси
Диллашиб турсанг сир асрор ила.

Давралар файзу барокатли бўлар
Қаҳқаҳа, суҳбат, гурунг, изҳор ила.

Хар кунинг руҳингта нур бахш айлағай
Тонгта чиқсанг шеър ила, ашғор ила.

Маънию мазмун топар гулгун ҳаёт
Элу юрт ичра кезиб сайёр ила.

Асло йўл берма ғаму андуҳлара
Юрмасин оламда жон озор ила.

Навбахор фасли аро, Чоршамъ, не бахт
Умримиз ўтса пири дийдор ила.

Ҳаёт

Вафога боғлиқ ҳаёт,
Жафога боғлиқ ҳаёт.
Бу тўрт кунлик дунёда
Сафога боғлиқ ҳаёт.

Емак, ичмак бир томон,
Жондан кечмак бир томон,
Аксар дилингта дармон
Навога боғлиқ ҳаёт.

Гарчи қутлуг бу Ватан,
Яшарсан унда ҳарчанд,
Умрдан чиқадиган
Маънога боғлиқ ҳаёт.

Бўлсанг агар дўст, жўра,
Келиб ҳолимини сўра,
Гоҳида шохдан кўра
Гадога боғлиқ ҳаёт.

Қарайман — ҳар томон сир,
Топмай бўламан дилгир.
Оқибати барибир
Худога боғлиқ ҳаёт.

Укам Давронбекнинг хотирасига бағишлайман.

Болалик хотиралари тиниқ бўлади. Ўшандаги ширин орзулар, бошдан кечирганларинг ёшинг улғайгач, оддий туюлиб қолса-да, гоҳи ёдга тушганда энтиктириб юборди.

Бизнинг кишлоғимизни Қўштегирмон дейишди, Чимкент шаҳрининг шундоқ биқинида жойлашган, бу ердан шаҳаргача уч-тўрт чақирим келади. Кишлоқ серсув, тупроғи унумдор бўлганидан кўпчилик деҳқончилик қилар, чорваси ҳам ўзига етарли эди. Қўштегирмоннинг жанубидан ўтадиган, ёзда суви тортилиб қоладиган Бодом дарёси бўйида бир замонлар тўқай бўлган ўтлоқ чорвабон, қулай яйловга айланган. Мактаб болаларининг ёзги таълиши шу кенгликда ўтарди. Кимдир бир-икки бош сигирини, кимдир беш-ўнта қўйини шу ерга ҳайдаб келарди. Болалар мол-қўйини ҳайдаб солиб, ўзлари ўйинга берилиб кетарди. Кўпчилик ўртоқларим кучугини эргаштириб келишни яхши кўрарди. Кимнинг кучуги бакувват ёки чиройли бўлса, унга ҳамма ҳавас қиларди. Мен ҳам болалар кўрса, кўзини ўйнатадиган кучугим бўлишни жуда-жуда хоҳлардим.

Сигир бодадиган ҳамқишлоқларнинг аксарияти шаҳарга бориб, сут сотарди. Бизникида ҳам иккита сигирдан соғилган сут тўла идишларни эшакда шаҳарга олиб бориб берар, раҳматли онам доимий мижозларимизга тарқатарди. Харидорларнинг аксарияти рус кампирлар, улар билан ҳар кун кўришавериб қадрдон бўлиб қолгандик. Айниқса, Шура холянинг уйда уч-тўртта ити, ҳатто мушуклари бор эди. Кейинчалик ўйлаб кўрсам, бу ёлғиз кампир учун эрмак бўлган экан.

Олтимшиччи йилларда осмонга учган Лайка лақабли ит болалар ўртасида жуда машҳур бўлган. Лайканинг расми барча газеталарда чиққан, чунки бу фазони забт этган биринчи жонзот-да! Шура холянинг кучуқлари ўша Лайкага қўйиб қўйгандай ўхшарди. Унга ҳавасим келса-да, Шура холя кучугини ҳеч қачон бировга бермаслигини билганим учун сўрашга ботина олмасдим.

Бир куни Шура холянинг ҳовлисида уч-тўртта кучуқчага кўзим тушди. Билдимки, холянинг ити болалабди. Сал каттароқ бўлса, биттасини олишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Кўнгли

Икки тарафла икки ёр,
Муҳаббатдан чекар озор,
Бир-бирига доим ҳумор
Сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Намозшомдан тонг отгунча,
Ошиқлик қийнади мунча,
Ҳали очилмаган гулча
Сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Юракда ишқ наво бўлғай,
Ғанимлардан жафо бўлғай,
Ҳижронларда адо бўлғай
Сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Жонга тегди нозу фироқ,
Кел, кўнглига кўнгли муштоқ,
Бир-бирига бўлсин маёқ
Сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Қаримайин дунёи дун,
Висолларга бўлиб мафтун,
Шодон бўлармикин бир кун
Сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Ҳаётимиз меҳмон

Нечун келдинг бесўроқ
Шинам хонам тўрига?
Сендан қочай деб ногоҳ
Чикдим дарё бўйига.

У ерда ҳам турардинг
Ўлтиришинг бир маънос.
Ахир бир пайт кулардинг,
Қувнаб кулардинг... афеус.

Энди эса нигоҳинг
Мени этади таъқиб.
Алам тўла ҳижронлар
Бағримга кирар босиб.

Изгирили елдирым
Хувиллайди тун аро.
Тонгдан висол ахтариб
Энтикар кўнглим роса.

Хузурингта еладирман доvon ошиб,
Соғинчларга тўладирман доvon ошиб.

Кутгил мени Кумушбиби кутган каби,
Отабегинг бўладирман, доvon ошиб.

Ҳижрон ўти куйдирди кўп юрагимни,
Бағрим қонга тўладирман доvon ошиб.

Садоқатим гувоҳидир ой-юлдузлар,
Ишқ дардини туядирман доvon ошиб.

Машаққатлар билинмас бир қиё боқсанг,
Лолалардай қуладирман доvon ошиб.

Висол насиб этгай дея жондан кечиб,
Жоним, сени суядирман доvon ошиб.

Аҳдидан ҳеч қайтмас Чоршамъ, сўзларим чин,
Севмасанг ёр, ўладирман доvon ошиб.

Тўхтамас

Мен тўхтайман баъзи-баъзида,
Тин оламан бир зум, бир нафас.
Атрофимга қарайман зимдан,
Ҳаёт эса сира тўхтамас.

Учқур бўлиб кетди кўп замон,
Англамоғинг гоҳида гумон,
“Тўхта, — дейман, — тўхтагин бир он”,
Замон эса сира тўхтамас.

Осмонларга қарайман узок,
Дунё — гўё муаллақ тўзок,
Ҳайқираман “дол” дея, бироқ
Дунё эса сира тўхтамас.

Она замин, шу муқаддас ер
Ҳаммамизнинг паноҳимиздир,
Ёлворама — “меҳварингни бер”,
Замин эса сира тўхтамас.

Одамзодга фароғат керак,
Роҳат керак, саодат керак,
“Мени тушун, — дейман, — эй, юрак”,
Юрак эса сира тўхтамас.

Қарашлардан қарили кўнгли,
Озор чекиб ўртанар ёмон.
Кел, бир бора раъйингга кўнгли,
Бир озгина бўлгин меҳрибон.

Ахир, ҳижрон азоби қаттиқ
Жонни қийнаб яшайди доим.
Билиб қўйгин, сен энг камиди
Мени севиб яшашинг лозим.

Сабабини айтаман озод,
Тафт истайди энди бу бағир.
Сабабини билмасан наҳот,
Ахир, бу — ишқ, ахир, бу — меҳр!

Ақлим ва кўнглим сира
Муросага келмайди.
Ўртада жоним ҳалак
Сира тиним билмайди.

Яна руҳим безовта,
Қалбим ҳам беҳаловат.
Билмадим, бу дунёда
Менга ҳеч борми роҳат?

Тинчгина яшолмайман
Умрим бўйи ҳеч, сабила.
Нетай, келишолмаса
Кўнгли, руҳ, жону ақл?!.

Алҳамбек АЛИМБЕКОВ



дамасдан узоклашади, қулиб боқсангиз, эркаланиб, ерга юмалаб ялтоқланади. Энди атак-чечак юраётган укам Давронбек кучукнинг қулоғидан келган, кўзини юғиб турарваса, Жиммининг ялоғига мен ва Рихси аммам оқват солардик, холос.

Шунданми, бошқаларга қараганда бизга яқинлигини сездирмоқчи бўлиб, ҳовлига чиқсак, нима хизмат бор, дегандек думини ликиллатиб югуриб келарди.

Раҳматли дадажоним ҳам отга, ҳам итга ишқибоз эди. Бир куни уйга катта, урушқоқ кўппак олиб келишди.

Дадам ишдан келган: — Кўрдингми, мана бу бўрибосар сенга! Энди маҳалладаги энг зўр ит сеники бўлади. Оти Орлон, яхшилаб бок, — деди.

Албатта, хурсандлигимнинг чеки йўқ. Энди иккита итм бор. Бири уришқоқ, бири чиройли, ақлли. Бирини уриштираман, бири пасонга.

Кейинчалик Орлоннинг ялоғига оқват солганим Жиммига ёқмаётганини сезиб қолдим. Занжирбанд Орлонни айлантириб келсам,

АХТАМҚУЛИ

МЕН БОРЛИҚНИ ҚУЧИБ
КЕШТАМАН

Деворнинг ортида

инглаган ўрик

Яна кўзларимни саргайтирди куз,
Пешонамда қолди ҳижроннинг изи.
Ҳануз қисматимда юрибди унсиз,
Мени телба қилган шеърят қизи.

Боғлар кучоғини очди ғамгин,
Ловуллаб ёнади дунё тандири.
Борлиқ йўқотади ям-яшил рангин,
Наҳот, шундай кечса инсон тақдири.

Хаёл армонини оқизар сойга,
Тунни етаклайди қирда йўлчилар.
Япроқлар зарҳалдек сочилар лойга,
Қаргалар — қор сўраб келган элчилар.

Бешигин тебратиб увлайди шамол,
Авжига чиқади пинҳона кўрик.
Кимгадир дарларин сочар, эҳтимол,
Деворнинг ортида инглаган ўрик.

Мерган Жали

Укам Жабборга

“Жали, Жали, мерган Жали,
Чўққиларда елган Жали!”
Онам сени мактайвериб,
Менга танбех берган, Жали.

Қиқирлайди Обихаёт,
Ёшлик ўтиб кетди наҳот.
Балки онам билдирмасдан,
Мени суйган сендан зиёд.

Жали, Жали, мерган Жали,
Қирга чиқиш кимнинг гали.
Кўзларимга қўйилди шом,
Ой чиқмаган тоғда ҳали.

Қайта борсам тутди шамол,
Кўз ёшимни ютди шамол.
Соғинчлардан қанот ёзиб,
Учишимни кутди шамол.

Жали, Жали, мерган Жали,
Тоғдан ризқин терган Жали.
Остонамда қувнайди Ой,
Сенга Худо берган, Жали.

Онам ерининг кучоғида,
Майсаларнинг ардоғида.
У дарлларин ёзиб кетди,
Кўзларимнинг қирғоғида.

Жали, Жали, мерган Жали,
Менга қувонч берган Жали.
Сўзларимнинг ҳосилини,
Тонгда туриб терган Жали.

Омонтоғили

Омонмисан айт, Омонтоғим?
Қир бағрида қувнаган боғим.
Тўққиз дара, тўққиз юз дара,
Ҳаёт бизни қилди масҳара...

Обихаёт, йиғлама ҳаёт,
Бўлолмадик биз сенга қанот.
Ҳайронлара, ҳайронбоғларим,
Харсанглари кучган чоғларим.

Эшагини қуваган бобом,
Юрагимни суваган бобом.
Онам эртак айтишга кетди,
Болаликнинг дамлари ўтди.

Жимми ёнимга келмай ғашланарди. Назаримда, у бўрибосар вақтинчалик келган, яқинда кетади, деб кутаётгандек эди.

Орадан бирор ой ўтгач, бир куни мактабдан келсам, Жиммининг қулоғи қон. Ҳайрон қолдим. Қимнинг айтишча, Орлон билан олишибди. Аммаки! Ўзим ўйлаб уриштиролмаган, рақибининг яримча келадиган Жимми Орлонга ташланибдими?!

Аммам бу иккинчи олишув эканини қўшиб қўйди. Тагин, мен йўғимда-я!

— Ажратмадингизми, — дедим аммамга гина қилиб.

— Билмай қолдим, бир вақт биғиллаган товуши келди, қарасам... — деди аммам.

Мактаб кийимини алмаштирмасданок Жиммининг олдига келиб, ётган жойида қулоқларини отқулоқ барглари билан артдим. Ялоғига оқват солдим.

— Нега ўзингдан катталар билан олишасан, — дея эркаладим. Унинг қарашида сал илиқлик сезилди. Орлонга эса, ўқрайиб қўйдим. Кўзларимга ўзидан кичкинани урган барзангидек хунук қўришиб кетди.

Бир куни эрталаб мактабга кетаётсам Жимми одатдагидан узокроқ жойгача ортимдан эргашиб борди ва охири негадир туфлимини ялаб қўйди. Мен бироз юргач, ортимга қарасам, ҳали ҳам ўша жойда чўнкайиб ўтирибди.



Бизга тунлар алла айтди Ой,
Йиғлапти синглим Гулчирой.
Ота, отим майдонда толди,
Ғанимларим бари йўқолди.

Пешонамни силайди алам,
Сўзларимни қуйдирар қалам.
Искандар тоғ, Искандар тоғим,
Омонмикан, омонат боғим.

Мен борлиқни қучиб кетаман,
Чўққиларга учиб кетаман.
Ишққа етсам қолмайди армон,
Дафтарингни бериб тур, осмон!..

Юрагимни

ўйнатар соғини

Милтирайди тунда чирогим,
Ойдан онам эртак тилайди.
Тоғ бағрида саргайган боғим,
Кўзларимга олов қалайди.

Юрагимни ўйнатар соғинч,
Пешонамда ҳижроннинг доғи.
Ота, бизлар яшар эдик тинч,
Етмаганди ғамнинг оғи.
Чўққиларга талпинган дилим,
Сўроғига топмадим жавоб.
Хиёнатга тилайди ўлим,
Кўлимдаги саргайган китоб.

Дил бешигин тебратди ғам,
Остонамда ўй сувар армон.
Қувончимни ўлдириб кетар,
Юким йўлга қолдирган қарвон.

Омонтоғили

аширдими

Қирқ йил қисматимга соя солди ишқ,
Юракка яширдим исмингни нолон.
Қирқ йил кўзларимнинг тубида қолди,
Бахтли дамларимни яширган ҳижрон.

Қирқ йил атрофимда учиб юрди ғам,
Бошимни силади туллари сабр.
Қирқ йил пешонамга йўл қурди алам,
Ишқимни жазога буюрган жабр.

Мени енголмади енгилди қайғу,
Кўлим баладдигини англади осмон.
Чўққилар бошида оқарди мангу,
Кўнглимнинг тафтида қуйган зимистон.

Қирқта қоқилингдек қирқилган умрим,
Пойига тўшайман унсиз пояндоз.
Менинг баҳоримни ўғирлаб кетди,
Сенинг кучоғингда қувнаётган ёз.

Парво қилмай, мактабга кетавердим.

Ўқишдан қайтган, яйловга отлансам ҳамки Жимми кўринмади. Яна эътибор бермаман. Кечкурун ялоғига оқват солиб, чақирсам ҳам йўқ. Қайта-қайта чақирдим, домдараксиз. Шу пайт аммам Жимми бугун учинчи марта Орлонга ҳужум қилганини, бор кучи билан олишиб, чоғи етмай чекинганини айтиб берди. Уларнинг уришганини ўзимча тасаввур қилдим. Нега мен бўлмаган пайтда уришадиган? Аммамнинг айтишича “жанг” тугагач, Жимми анчагача боғдаги зах ариқда қўзилиб ётибди. Кейин келиб ошхонада қуйманаётган аммамга термилиб қарабдида, қаёққадир кетибди. Шунда мен Жиммининг рақибини ўзидан қучилигини сезсада, ўз қадри учун мардона майдонга чиқиб Орлонга ташланганини, ғурури баландлигини, ўз қадрини билишини ҳис қилдим. Ит бўлса-да, ҳамиятли экан, қизганаркан. Бехитёр кўзимга ёш келди. Энди кучугимнинг қайтмаслигини ҳис қилдим.

Ўртоқларим билан Жиммини излаб бутун кишлоқни, ён-атрофдаги овлоқларни кезиб чиқдик. Сўраб-суриштирдим, бироқ Жимми дом-дараксиз гоийб бўлганди. Шундан сўнг Орлонни ёмон қўриб қолдим. Дадамга айтиб, чўпонларга бериб юбордик. Жимгина кетган Жиммини эслаганда, ҳанузгача қандайдир маънос бўлиб қоламан.

Носир Ғозилов таваллудинини 90 йиллиги

Бешафқат ўлим мени суяган тоғим, ишонган боғимдан жудо қилди.
Ошмининг устумидан айрилдим. Йўқлаб келадиган ёр-дўстлар,
шогирдлар қадами ҳам сийраклашиб қолди. Аммо тақдирнинг ҳукмига
кўнмасдан илож қанча. Ахир, ҳали мен умр йўлдошимнинг
васиятларини бажаришим керак-ку, дея ўзимга тасалли бераман...
Мана, орадан қанча фурсат ўтди ҳамки, уларнинг йўқликлари
кўниколмаман. Ҳозир эшик очилиб, кириб келадигандай бўлаверади.
Қандай танишганимиз, қандай яшаганимиз кўз олдимдан бирма-бир
кино тасмасидек ўтaveraди.

Биз "Ёш гвардия" нашриётида таниш-
ган эдик. Мен нашриётда, у киши "Шарқ
юлдузи" журналида ишларди. Иттифоқо,
Носир аканинг "Жўхори тузоқ" номли
китобларига муҳаррирлик қилиш менга
топирилди. Китобни нашрга тайёрлаш
жараёнида муаллиф билан бир неча бор
мулоқотда бўлишимга тўғри келди. Ўша
кезлар ўзимча бир-иккита ҳикоя қоралаб
юрардим. Фурсатдан фойдаланиб, улар-
ни кўриб беришини илтимос қилдим.
"Баҳонидил", деб ҳикояларни олиб кет-
ди. Бир-икки кундан кейин фикрини ёзиб
келди. Унда: "Ҳикояларнинг тили жуда
яхши-ю, лекин айтмоқчи бўлган гапингиз
заифроқ кўринади. Проза баённи эмас,
балки тасвирий ёқтиришини яхши била-
сиз. Қисқарган жойларига эътибор
беринг", деган гаплар бор эди...

Менинг таржима билан шуғулланаётган-
ними биллиб, бир кун Эмил Амитовнинг
"Жўнатилмаган хат" ҳамда
"Скрипка навоси" номли ҳикоя-
ларини олиб келиб: "Шу ҳикоя-
ларни ўзбекчага ўғириб берсан-
гиз, "Шарқ юлдузи" журналида
босамиз", деб қолди. Бор били-
мим, маҳоратимни ишга солиб,
таржимага киришдим. Ҳикоялар
журналда чоп этилди.

Таржима маъқул бўлди шекилли, ке-
йинроқ Борис Пармузининг "Пахта" но-
мли лавҳасини таржимага берди. Бу ҳам
журналда босилди. Кейинчалик фаҳм-
ласам, у киши мени синанган эканлар.

1975 йил 25 октябрда тўйимиз бўлди.
Тўйда Эркин ака Воҳидовнинг бизни та-
бриқлаб айтган сўзлари ҳамон эсимда:
"Носир ака, сизга энг яхши қизимизни
бераями, агар Муборакхонни хафа қи-
ладиган бўлсангиз, биз сизни тошбўрон
қиламиз", дея ҳаммани қулдирганди. Умр
йўлдошим хафа қилиш у ёқда турсин, бир
умр "сиз" оғизлари "сен"га бормади.

Уйимиздан дўсту ёрлари, шогирдлари-
нинг қадами узилмасди. Қозоғистон,
Қорақалпоғистон, вилоятлардан дўстлар,
шогирдлар келиб туришарди. Адабиёт
ҳақида қизик-қизик суҳбатлар, бахсу му-
нозаралар, мушоиралар бўларди. Қозоқ
адабиётининг деярли барча таниқли ва-
киллари – Собит Муқонов (у киши билан
ота-бола бўлиб кетишганди), Абдулла
Тожибоев, Ўлжас Сулаймонов, Абдуқамил
Нурпеисов, Шерхон Муртазоев, Жубан
Мўлдағалиев ва бошқалар уйимизда
меҳмон бўлишган. Қозоқ ижодкорлари
турмуш ўртоғларини ардоқловчи, Олмаота-
га бориб қолса, ўтказгани жой топишол-
мас, кетма-кет меҳмонга қаҳаришарди.

Қозоқ ёзувчиларининг ўттиздан ортиқ
китобини таржима қилиб, ўзбек китобхона-
ларига тақдим этган эди. Шунинг учун ҳам
у кишини қозоқ адабиёти билан ўзбек ада-

биётини боғловчи кўприк, деб ҳурмат
қилишарди. Ойбек домла, Ғафур Ғулом,
Ҳайрулло домла, Абдулло Қамқор, Миртемир
домла билан ота-бола, Саид Аҳмад, Одил
ака, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов,
Ўткир Хошимов, Ўлмас Умарбеков, Шукр
Холмирзаевлар билан ака-укадай бўлиб
кетишганди.

1981 йили фарзандли бўлди. Дадаси
унга Хондамир деб исм қўйди. Энди ҳам
ижод, ҳам фарзанд тарбияси билан
шуғулланишга тўғри келди. Хондамирни
тарбиялаб вояга етказдик. Ўқитдик, уйлан-
тирдик. Ҳозир Махбубахон исми келини-
миз, Озоджон, Маржонахон исми ширин-
дан-шакар невараларимиз бор. Бобоси
уларни жуда яхши кўрарди.

Умр йўлдошим на бойликка, на дан-
ғиллама уй-жойга қизиқди. Бориға шукр
қилиб яшади, ҳар қандай қийинчилик,
мушкулотни сабр билан енгарди.



Хурмат билан,
Қозоғистон Республикаси Президенти
Н. Назарбоев.
20 октябрь 1994 йил.

Телеграммани ўқиб, бошимиз кўкка
етди. Ўша кунёқ Қозоғистоннинг
Ўзбекистондаги элчиси элчихона ходим-
лари билан уйимизга келишиб муборак-
бод этишди. Олмаотада ҳурмат, эҳтиром
билан кутиб олишди. Бизларни махсус
машинада Олмаотани, Медовни сайр
қилдиришди.

Мукофот топириладиган кун
гулдурас қарсақлар остида Президент
Нурсултон Назарбоев у кишига мукофот-

ҲАМНАРАС БЎЛИБ ЯШАДУҚ

У киши қаерда ишласин, сидқидил-
дан, бор қучларини аямай адабиётга хиз-
мат қилди. 1990 йили "Шарқ юлдузи" жур-
налидан нафақага чиқди. Шундан кейин
ҳам шогирдлари у кишини ёлғизлатиб
қўйишмади. Раҳматли Турсунбой Адаш-
боев, Меҳмонкул Исмоилжон, Юсуф Фай-
зулло, Сафо Матжон, Қозоқбой Йўлдошев,
Янгибой Қўчқоров, Абдунаби Бойқўзиев,
Муродбой Низанов, Қамчибек Кенжа,
Йўлдош Солижоновдан миннатдормиз.

1994 йили Олмаотадан, Қозоғистон
Республикаси Президентидан телеграм-
ма олдик. Унда шундай сўзлар бор эди:
"Мен 1992 йили "Тинчлик ва маънавий
ҳамжиҳатлик учун" номли Президент
мукофотини таъсис этган эдим. Ушбу
мукофот ҳар йили Республика кунинда
топирилади".

Мухтарам Носир Йўлдошевич, чуқур
мамнуният билан шуни маълум қиламан-
ки, бу йилги Президент мукофоти Сизга
берилганди. Сиз миллатлараро
маданий алоқаларни ривожлантиришда-
ги, қозоқ адабиётининг энг сара намуна-
ларини таржима қилишдаги, Ўзбекистон
ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги
дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматла-
рингиз учун бу мукофотга сазовор бўлдин-
гиз. Шу муносабат билан Сизни чин ора-
дан муборакбод этаман ва 23-25 октябрь
кунлари ушбу юксак мукофотни тантанали
топириш маросимини иштирок этиш
учун Олмаота шаҳрига таклиф қиламан.

нинг кўрак нишонини тақиб қўйди. Мин-
натдорлик рамзи сифатида Носир ака
Президентга пичоқ совға қилди. Ўша пай-
тдаги ҳаяжон ва хурсандлигимизнинг чеки
йўқ эди. Хўжайиним ўзларига тақдим этил-
ган гулдастани ва мукофотни ўқтам қадам-
лар билан олиб келиб, менга тутқазди. Бу
мукофотни Урта Осиёдан фақат икки киши
– Чингиз Айтматов ва Носир Ғозилов
олишган эди. Кенчи пайт Президент му-
кофотланганлар шарафига зиёфат берди.

Эртасига Олмаотадagi кадрдонлар,
дўсту ёрлар бизни Тошкентга кузатиб
қўйишди. Уйимизда тўй бўлиб кетди.
Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар,
шогирдлар муборакбодга келишиб,
дилларимизни хушнуд этишди. Бу унутил-
мас дамлар эди...

Охириг пайтларда Носир аканинг
кўзлари хиралашиб, хатта ўтмай қолса ҳам
ижод қилишдан тўхтамади. У киши айтиб
турарди, мен ёзардим, сўнгра бирга
тахрир қилиб, газета, журналларга берар-
дик. 2013–2017 йиллари баҳор, ёз ойлари-
да Дўрмонда яшаб, "Эсласан кўнглинг
ёришур", "Мунаввар лаҳзалар", "Ношир ва
носир сўзи", "Қўклар қиссалари", "Гира-
лашир шомдан оппоқ тонггача" номли
китобларини нашрга тайёрладик ва чоп
этирдик.

У киши камтарин, бағрикенг, оққўнғил,
ҳалол, меҳмондўст инсон эди. Ҳаётда ҳам,
ижодда ҳам интизомни яхши кўрарди. Би-
рор жойга бориш керак бўлса, албатта,

вақтидан ўн-ўн беш дақиқа илгари борар-
ди. Бировга ваъда берса, ўша ишни
муддатидан олдинроқ бажарарди. Хатто
набираларига бирор нарса ваъда қилса,
албатта, ваъдасининг устидан чиқарди.

Носир ака ёзги таътил вақтларида Тур-
кистонга, туғилган жойларига боришни
яхши кўрарди. Айниқса, биринчи муал-
лимлари, раҳматли Почтахон амакининг
қовун полизларига борганида (амакимиз
бизни ҳар йили қовун сайлига таклиф
қиларди) саҳар пайти полиздан ўзлари
қовун узиб еб, Сирдарёдан балиқ овлаб,
кенноийимиз меҳр билан қовурган балиқча
тўйиб, дарёда чўмилиб, амакилари билан
мириқиб суҳбатлашиб, ҳузур қиларди.

2018 йилнинг 7 февралда умр йўлдо-
шимнинг юртдошлари оила аъзоларимиз-
ни ва бир ғуруҳ ёзувчиларни Туркистонга,
хотира тадбирига таклиф қилишди. Мез-
бонлар бизни ҳурмат ва эҳтиром билан
кутиб олишди. Уч ўзи кишилик тўйхона тўла
эди. Турмуш ўртоғимнинг кадрдонлари,
қариндошлар, Олмаотадан, Чимкентдан,
Сайрамдан, Қорабўлоқдан, Икандан ва
бошқа туманлардан келган ёзувчи, шоир,
журналистлар, мухлислар келишди.
Дастлаб Носир аканинг ҳаёти ҳақида
ҳужжатли фильм намойиш этилди. Сўнг
мезбонлар ва меҳмонлар у кишининг
руҳларини шод этиб, хотираларини,
дил сўзларини айтишди.

Умр йўлдошим барча қийинчиликларга
бардош бериб, тиришиб ҳаракат қилди ва
хаётда ўз ўрнини топди. Устозлардан
сабоқ олиб, баҳоли қудрат ижод қилди.

Бутун умр адабиётга, халқлар
дўстлигига хизмат қилди. Ориги-
нал асарлар таржималардан иборат
тоза яқин китоблар чоп этир-
ди. Ҳукуматимиз Носир аканинг
хизматларини муносиб тақдирла-
ди. 1989 йили "Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган санъат арбоби"

унови, 1990 йили "Устозлар
даврасида" китоби учун Ҳамза номидаги
Давлат мукофоти, 1999 йили таваллудини
70 йиллиги арафасида "Эл-юрт
хурмати" ордени, 2011 йили "Тондиму
йўқотмадим" китоби учун иккинчи марта
Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти
билан тақдирланди.

Адиб 1985 йили Ўзбекистон Ёзувчи-
лари уюшмасининг Ғафур Ғулом номида-
ги мукофоти, 1986 йили қозоқ адабиё-
тидан қилган таржималари учун Қозоғис-
тон Ёзувчилар уюшмасининг Бейимбет
Майлин номидаги халқаро мукофоти,
2003 йили Қозоғистон Ёзувчилар
уюшмасининг "Алаш" номли халқаро
мукофоти соҳиб бўлди. Мен ҳаётимдан
розиман. Чунки тақдир мени шундай
инсон билан учраштирди. У киши билан
43 йил ҳамнафас бўлиб яшадик. Бир-би-
римизни ҳурмат қилиб, бир-биримизга
суяниб яшадик...

Яқинда "Носир Ғозилов замондошла-
ри хотирасида" номли китобни тайёрлаб,
нашриётга топширдик. Энг сара асарла-
ри жамланган "Сайланма" китоби нашрга
тайёрланмоқда. Носир Ғозиловдан бой
адабий мерос қолди. Худо умр берса, бу
адабий меросдан китобхоналарни бахра-
манд этишга, у кишининг васиятларини,
имкон борида, фарзандлари, шогирдла-
ри ёрдамида амалга оширишга ҳаракат
қиламан.

Муборак ҒОЗИЛОВА

АФЗАЛЛИКЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети хузурида иш олиб бораётган
лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини ислоҳ қилиш
бўйича ишчи гуруҳнинг Кил.из тахририятига тақдим
қилган якуний ҳулоаси бир неча афзалликларга эга.
Айни пайтда лотин сифатида эълон қилинган мазкур
алифбо ҳали ҳам айрим камчиликлардан холи эмас.

Авалло, ўзбек алифбосини ислоҳ қилиш бўйича якуний ҳу-
лоасининг ижобий жиҳатларига эътибор қаратсак. Унинг ютуқ-
ли томонларидан бири бу — алифбоддаги ҳарфларнинг кет-
ма-кет жойлаштирилиш тартиби. Алифбозимизнинг айна амал-
даги жойлашув тартиби жаҳон стандартларига жавоб бер-
майди. Бунинг электрон дастур усталари жуда яхши тушуни-
шди. Хусусан, ява дастурлаш тилидан фойдаланиб ўзбек
тилига хос бирорта лугат яратиш керак бўлиб қолса, дастур-
нинг "sort" методидан ўзбек алифбоси учун фойдаланиш бир
қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг учун олдин
"collator" методидан фойдаланиб, кейин эса ҳарфларнинг
кетма-кет жойлашиш тартибини ёзиб
олиб, ундан сўнг тартиблаш ишлари
амалга оширилади. Инглиз, француз,
немис, рус ва бошқа тиллардаги
сўзларни эса ҳеч бир қийинчиликсиз фақат "sort" методи-
нинг ўзидан фойдаланиб ҳам бемалол алифбо бўйича тар-
тиблаш мумкин.

Айтиш керакки, дастурлаш тилларида ҳар бир белги, ҳар
бир рақам ва ҳар бир ҳарф ўзининг алоҳида индекс ўрни ва
қийматиغا эга бўлади. Матн, сўз ёки ҳарф устидан бирор да-
стурий амал бажарилмоқчи бўлишганда алифбозимиздаги ҳар-
фий бирикмаларнинг индекс ўринлари ва қийматлари дасту-
рлашда янги-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки
матнларда ҳарфий бирикмалар иккита индекс ўрнига эга
бўлади. Шу боис кирилл-лотин алифболари бўйича қилин-
ган лугатларда ҳам ханузгача камчиликлар мавжуд. Яъни ак-
сарият яратилган бундай электрон лугатларда кирилл алиф-
босидаги матнлар лотин алифбосига юз фоиз тўғри ҳолатда
ўғирилмайди.

Хуллас, алифбоддаги янги тартибнинг жорий қилиниши ва
ҳарфий бирикмалардан воз кечилиши тилимизга электрон
технология оламида бир қанча қулайликларни тўхфа этиши
табиий. Бироқ лойиҳада О/о' ва G/г' ҳарфларининг О/о' ва
G/г' ҳарфларига алмаштирилиши тилимизнинг тараққиёт-
да айрим муаммоларни вазиятларни келтириб чиқариши шуб-
ҳасиз. Биз бу борада сўзларнинг ургули бўғинлари устига
қўйилгандан «» белгисини назардан четда қолдирмоқдамиз.
Арзимаган ёки элементар кўринишдаги бу белги аслида тили-
мизни соф сақлашда, уни ўрганишда ва жаҳон оммасига
тақдим этишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, хорижиқлар-
нинг ўзбек тилини ўрганишга қизиқишлари ортиб бораётган
бир вақтда бу ҳарфларни қабул қилишимиз келажакда ор-
фоэпик ёки ургули сўзлар лугатини ривожлантиришда бизга
бир қанча муаммони туғдириши тайин.

Тўғри, биз ўзимизнинг ўзбек тили бўйича яратилган орфо-
эпик лугатдан деярли фойдаланмаيمиз, шунинг учун ҳам 1977
йилда нашр қилинган "Ўзбек тилининг орфоэпик лугати"нинг
яратилишига қирқ йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, унинг
янги нашрига ханузгача эҳтиёж ҳам сезганимиз йўқ ва ярати-
лаётган имло, таржима ва изоҳли лугатларимизда ҳам сўзла-
римизнинг ургусини қўймасдан нашр этмоқдамиз. Аммо биз
ўзга тилини ўрганаётганимизда ўша тилининг талаффузи ва
транскрипциясига қанчалик эҳтиёж сезсак, хорижиқлар ҳам
бизнинг тилимизни ўрганишда ўзбек тилининг орфоэпик лу-
гатида шу қадар эҳтиёж сезишадилар. Биз ўз тилимизнинг жа-
ҳонга танилишини истасак, биринчи навбатда, унинг ургули
сўзлар ёки орфоэпик лугатини ҳам замонамизга мослаб яра-
тиб қўйишимиз керак. Агар бунақа лугатни интернетда рус
тили бўйича қидириб кўрсангиз, ҳар 4-5 йилда бир марта нашр-
дан чиққанининг гувоҳи бўласиз, бизда эса аксинча, қирқ йилда
ҳам бу лугатимиз янгилангани йўқ.

Энди ургули сўзлар лугатини қуйидагича солиштириб
кўринг:

Амалдаги имло бўйича	Лотиниздаги имло бўйича
go'dak	godak
lug'at	lugat
londa	londa
lippi	lippi
to'g'a	to'ga
xo'roz	xoroz

Янги лойиҳадаги алифбодан фойдаланиб одатдаги белги
орқали сўзларнинг ургусини қўйганимизда биринчи ўринда
о' (o') ҳарфи бўйича қалқалиш юзага келади. Бу ургули о'
ҳарфини ёки янги лойиҳадаги ургули ў' ҳарфини? Сиз бу
борада ўзингизни хорижиқ ҳисоблаб, ўзингизга ўзбек тили-
ни янги ўрганаётган тилингиз сифатида қараб кўрсангиз,
бу борада муаммо янада кўза ташланади. Хуллас, мана шу-
нақа тушунмовчиликлар юзага келаяверади.

Айтиш мумкинки, ургули сўзлар лугатини бошқача вари-
антларда, яъни қуйидаги кўринишларда ҳам тузиш мумкин:

godAk	godak	godak
lugAt	lugat	lugat
lOnDa	londa	londa
lOppi	lippi	lippi
toGA	to'ga	to'ga
xoRoz	xoroz	xoroz

Ургу тулган сўзни бундай ҳарфлар билан ажратиб кўрса-
тишни фақат орфоэпик лугатларгагина қўллаш мумкин, шун-
да ҳам компьютерда уларни бирма-бир ўзгартириб чиқиш учун
анча вақт сарфланади, аммо таржима тилларда, айниқса,
изоҳли лугатларда бу вариантни қўллаб бўлмайди. Чунки улар-
да бутун бир сўз мана шундай бошқаларидан ажратилиб кўрса-
тилиши керак бўлади. Ажратилиб кўрсатилиши лозим бўлган
сўзнинг ичидан яна бирорта ҳарфни ҳам ажратиб кўрсатиш
ҳар дом ҳам мантиққа тўғри келаявермайди. Шу билан бирга
бунақанги ургу қўйилган сўзларни ўқишда кўз тез чарчайди.
Бу эса халқаро стандарт талабларига жавоб бермайди.

Мен о' ва г' ҳарфларининг ўзгартирилмасдан ўз жойида
қолишининг тарафдори эмасман, бироқ ургу белгиси ва унга
яқин бўлган белгилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ
эмаслигини таъкидламоқчиман, холос. Уларни бошқачароқ
ҳарфлар билан алмаштириш тарафдориман. Масалан,
хозирги О/о' ҳарфимиз 1929 — 1940-йилларда амалда
бўлган эски лотин алифбозимизда Ө/ө ҳарфи билан ифода-
ланган экан.

Ургу белгиси ундошлар устига эмас, унлилар устига қўйи-
лади. Шунинг учун G/г' ҳарфини янги лойиҳага кўра G/g
тарзида қолдириш мумкин, балки. Лекин ушбу лойиҳага
кўра lug'at, to'ga сўзларининг ургусини қўйиб ёзсак, бари-
бир ўқувчида кўз чалғиш ҳодисаси юз беради. Бу ҳарфни
ҳеч бўлмаганда бревисли G/g ҳарфига алмаштиришни мақ-
садга мувофиқ, деб биламан.

Яшин АЗИЗОВ,
Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ОЛМОНИЯЛИК ТАДҚИҚОТЧИСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Олима Россия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистонда
бўлиб, туркий дунёни ўрганиш бўйича бой тажриба ор-
тирган, рус, қозоқ тиллари қатори Ленинграддаги Шарқ-
шунослик институтда эски ўзбек тилини ҳам эгаллаган. "Тур-
кий тилик ҳудудлар адабиёти" номи тўплам "Тан олин!
Шарқ шоирлари улуғроқдир..." (И.В. Гёте) деган энциклопедия
билан бошланади. Китобнинг кириш қисмида олиманинг
"Замонавий туркий адабиётларини ўқиш — бутунги кун тала-
бидир" номли мақоласи ҳам берилган. Тўпламага ўзбек, озар-
байжон, турк, қозоқ, туркман адибларининг ижод намуна-
лари киритилган. Тўпламни яратилган мақсад, туркий халқ-
лар адабиёти намуналарининг ранг-баранглигини, уларнинг
урф-одати, миллий ўзига хос хусусиятларини олмон китоб-
хоналари доирасига олиб кириш бўлган.

Зигрид Клайнмихель ўзбек адабиёти ва фольклорига
доим қизиқиш билан қарайди, янгиликларни мунтазам
кузатиб боради, айниқса, экзотик ҳолатлар унинг назари-
дан четда қолмайди. Фарғонага таширифи чоғида Қўқонда
ўтган фольклор ансамбллари республика илмий-амалий
конференциясида қатнашиб, ўзининг ҳайратини шундай
баён этган: "Бу гоёт самийий, меҳрли, илтифотли шаҳар
ҳақидаги таассуротларим Абдулла Қодирийнинг "Ўткан
кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романлари орқали олган
таассуротларимдан ҳам зиёдрок бўлди. Шаҳар аҳли ўз қадим-
ий, тарихий, маданий, адабий ва оғзаки адабиёти қад-
риятларини меҳр билан авайлаб, асраётганлигидан беҳад
мамнуният ҳосил қилдим".

Олиманинг Хоразмга сафари, бу юртининг ўзига хос тари-
хи, маданияти, адабиёти билан танишиши фаолияти кўла-
минин кентайитди. У 1993 йил И.Балдаф билан Хоразм ва
Фарғона воҳасида бўлиб, тўй ва бошқа маросимларда қат-
нашиб, халфа, бахши, ёзувчи-шоирлар билан учрашди. Қўлё-
маларни қироат билан қийидиган халфалар унда катта қизи-
қиш уйғотди, уларнинг овозларини диктофон тасмасига муҳ-
лади. "20 — 30-йилларда Хоразмда адабий муҳит", "Хоразм
фольклори", "Хоразм халқ кўшиқлари", "Хоразм бахшала-
ри" мавзуларидаги суҳбатлар "Хоразм халфалари" асарининг
яралишига асос бўлди. Олима Хоразм халфалари ва Фарғона
отин ойлари фаолиятини қиёсий ўрганди. "Хоразмда

халфа, Фарғона водийсида отин оий" монографияси шу саъй-
ҳаракатлари натижасида юзага келди.

"Шарқона ёзиш анъаналарининг ривожланиши (1910 —
1934-йиллар ўзбек драма ва насрий асарлар тадқиқи)" мо-
нографиясида Маврифатпарварлик даври ва жалид адабиё-
ти ҳақида, қатагонга учраган ёзувчи, шоирлар ижоди ҳақида
фикр юритилди. Китобда муаллиф XX аср бошларидаги саҳ-
на асарларидан тортиб, Афанди латифлари, Фитратнинг
ҳикояларини Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Ғ.Ғулом, А.Қодирий ижодига
таҳсилган. "Туркистон ҳаётидан — Абдулла Қодирийнинг
икки романи" бобида "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён"
романлари таҳлилга тортилган. У Фитрат, Чўлпон, Қоди-
рий ижоди, тақдир ҳақида чуқур эҳтиром билан қуёндай
ёзган. "1990 йилдан сўнгги даврларда Марказдан йироқ-
даги шеърят иқлими" тадқиқотида эса, ўзбек адабиёти
тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатаётган хозирги ёш
ўзбек модернчи адиб ва шоирлари Улуғбек Ҳамдам, Баҳ-
ром Рўзимухаммад, Шамшод Абдулла, Шермурод Субҳон
ижодидаги умумийлик ва ўзига хос жиҳатлар тадқиқ этила-
ди. Шу ўринда олиманинг "Ўзбек шеърятинда аёллар обра-
зи: Клеопатра, Тўмарис ва Ноира" мақоласини ва "Бола-
лар адабиёти энциклопедияси"га ёзган "Алпомиш", "Гул
ва Наврўз" (Лутфий), Махтумқули ва Машрабининг лирик
шеърлари ҳақидаги мақолалари, "Навоий" (Ойбек) асари,
А. Қодирий биографияси, "Ўткан кунлар" романи, "От ки-
наган оқим" (Тоғай Мурод) асарлари ҳақидаги этюдлари
ва энциклопедияга тайёрлаган "Ўзбеклар" мақолаларини
эслаш жоиз. "Ўрта Осиё новеллалари" китобига ёзган
сўнгсизидан бир қатор ўзбек ёзувчилари ижодидаги муш-
тақлиқ ва ўзига хос хусусиятларини ёритишга ҳаракат қил-
ган олиманинг илмий фаолиятини изчил кузатишлар шуни
кўрсатадики, уни асосан миллий адабиётлардаги умумий-
лик, муштараклик ва миллийлик қизиқтиради.

Зигрид Клайнмихель фаолиятида ўзбек мумтоз адабиё-
ти алоҳида ўрин тутди. У Лутфий, Навоий, Аҳмад Пошо,
Ҳофиз Хоразмий, Фузулий ҳақида тадқиқотлар қилган.
Немислар "Ҳирот бошига қўнган бахт куши" дея эътироф
этган Навоий ижоди бўйича қўллаб тадқиқотларини амалга
оширган. Чунончи, "Мир Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо",
"Алишер Навоий ва усмонли шоирлар", "Навоий ижоди-
да Хизр", "Навоий — бенаво" сингари тадқиқотлар ана

шундай изланишлар сирасидир. "Наво

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni

СУВ ЮЗИДА НИЛУФАР

Генри ЛОНГФЕЛЛО
(АҚШ)

Заррин шафрак

Нақадар зарҳал осмон,
Аксидан денгиз алвон.
Ястангандир тасмадай
Қирғоқда яшил ўрмон.

Қоялар паркү булут,
Булутлар қоя мисол.
Ўртасида бир кема,
Еру қўқдаги тимсол.

Денгиз осмонга ўшар,
Осмон денгиздай алвон.
Тасавурида гўё
Қоринган еру осмон.

Роберт Луис СТИВЕНСОН
(Англия)

Арғишоқ

Бир баландга, бир пастга,
Парвоз қилар қўнимсиз.
Мазза қилиб шолланар
Болажонлар тинимсиз.

Учаппан ҳаволаб,
Кумуш анҳор жимирлар.
Қолди пастда бодевор,
Уйлар, қўйлар, ситирлар.

Пастда сўқмоқ-даралар,
Боғлар ям-яшил чаман.
Арғимчоқда айланиб,
Тагин ерга қайтаман.

Леннарт ХЕЛЬСИНГ
(Швеция)

Ўз салтанати

Сарин еллар елади,
Еру фалакда.
Турфа ранглар акс этар
Найкамалакда.

Чечакларга бурканган,
Замин зангор, ол.
Келди Ўз салтанати,
Мен унда қирол!

Мажнунтол хонишдан
Бинафша масрур.
Бундай дамлар ёдингда
Қолар бир умр!

Сув юзида нилуфар,
Сузолмай ҳалак.
Нигоҳларим парвозда
Мисли капалак!

Овсей ДРИЗ
(Исроил)

Нилма, қаерда?

Дарахлар илдизи
Тупроқда пинҳон.
Учқунлар оташи
Гулханда аён.

Мевалар мағзида
Эман баёти.
Тухумда пинҳондир
Бир қуш ҳаёти.

Садафда дур ниҳон,
Анҳорда балик.
Моҳият ҳамиша
Қўримас аниқ!

Онил КАНДИСИЛАЛ
(Бенгалия)

Ҳалимадан қандай қорғил

Талаб ташлади пашша,
Қочиб кетдим ўрмонга.
Пашша чаққандан кўра
Ем бўламан арслонга.

Чексиз ўрмон четида
Йўлбарс изини кўрдим.
Дарҳол паналаб юрдим,
Дарё томон югурдим.

Дейдиларки, дарёда
Тимсоҳлар яшар эмиш.
Кетақолай дарага,
Йиртқичга бўлмай емиш.

Дарада илонлар кўп,
Кимки дуч келса, чақар.



Катта қўчага чиқдим,
Йўқдир деб хавфу хатар.

Ногоҳ мушукни қувиб,
Қўппак ўтди югуриб.
Иржайтириб тишини,
Мени қувлади хуриб.

Онажон, деб қичқирдим,
Уйим томон югурдим.
Баттол қўппак келгунча,
Уйга кириб улгурдим.

Онам калтакни олиб,
Кучукни ҳайдаб солди.
Сўғ эшикни тамбалаб,
Мени бағрига олди.

Рус тилидан Нуруллоҳ ОСТОН
таржималари.

Қутлайман

Қуртак очган сокин дилларга
Нафислики бахш этган ҳаёт,
Энг покиза, маъсум дилларда
Сен баҳорий туйғулар уйғот!

Мен ошқидим бойчечакларга
Талпинида жажжи юрагим.
Нафасингни интизор кутдим
Баҳоргинам, менинг керагим.

Майсаларнинг тафтини туйиб,
Бодом гулин масрур ҳиллайман.
Борлиқдаги тоғу тошини ҳам
Гўзал баҳор ила қутлайман.

Қалдирғочлар қайтган Ватанда
Наврўз кутар эли бўлиб жам.
Ўзбекистон — гуллаган чаман,
Ҳавас ила боқадил олам!

Диёра ТАНГИРОВА,
5-синф ўқувчиси

Она алласи

Дунёда бир қўшиқ янграган мангу,
Оҳангига жодир энг азиз туйғу,
Унда яшнар ҳаёт, меҳр ва орзу,
Бу қўшиқ алладир, она алласи.

У янграса қўлда юлдуз жимирлар,
Гўдакка оромбахш сўзлар шивирлар,
Тўлини ой бошидан сочди нурлар,
Бу қўшиқ алладир, она алласи.

Истайман, бу қўшиқ асло тинмасин,
Ҳаёт шамчироғи сира сўнмасин,
Бешиқлар синмасин, олам ёнмасин,
Дунёга таралсин она алласи.

Салом-алик

— Салом! — деди болакай
Йўловчи қарияга.
Чол қаради, гўёки
Муҳтож деб, тарбияга.

— Ассалому алайкум!
Қайтарар бола шошиб.
— Ваалайкум ассалом!
Дер чол ҳайрати ошиб.

Афсусланди болакай,
Тўлиқ айтмай каломни.
Таниб қолди-ку, бирдан
Бобо Абдулсаломни.

Бобои кулласи

Мақтанади болакай
Дўстига тўлиб-тошиб.
Ўртоғи ҳам қизиқиб
Тинглар ҳайрати ошиб.

Мен ўргандим ўқини
Ишонмасанг, кел, гаров!
Хоҳласанг шарилатиб
Ўқиб бераман, дарров.

Шеърларни ёд оламан,
Энди ўзим мустақил.
Дадам дер: кўп ўқисанг,
Ўғлим, чархлар ақл.

Кутубхонадан, ўртоқ,
Китоб оламан, тез юр.
Ойим дер, кўп ўқисанг,
Йўлингни ёритар нур.

Бобом қуддилар, мақтаб
Юзларимдан ўлди-ку.
— Ўқини ўрганиб,
Ақлинг кириб қопти-ку.

Тамбоз

Ўртоғинг Булбул эди,
Фақат бешга ўқирдинг.
Хурсанд этиб бизларни
Қувноқ шеърлар тўқирдинг.

Баҳоларинг тузатгин,
Ўқининг анча чатоқ.
Қаккужон, Қарга билан
Бутундан бўлма ўртоқ.

Набижон ҚОДИРОВ

МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН БИТИКЛАР

Қўлимда таниқли қаламқаш, публицист, марҳум Мурод Абдуллаевнинг янги китоби — “Қафасдан қутулган қуш”. Афсуски, муаллифнинг ўзига ушбу китоби чоп этилганини қўриш nasib этилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида “Адиб ва жамият” руҳида нашр этилган ушбу китобдан муаллифнинг кейинги йилларда ёзган — долзарб мавзулар акс этган ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида чоп этилган публицистик мақолалари, очерк ва суҳбатлари ўрин олган. Тўрт бўлимдан иборат китобнинг энг диққатга молик жиҳати, назаримда, публицистнинг мавзу танлашдагина эмас, балки уларга ижодкорона ёндашганида яққол кўринади.

Давр йўриғидан келиб чиқиб, журналистика ҳам тармоқдан ва йўналишдан бўйича ихтисослашмоқда. Ихтисосда ёки сибаста, тиббиёт ёки ҳеҳончилик каби соҳаларга ихтисослашган журналистлар пайло бўлмоқда. Мазкур китобдаги мавзулар ранг-баранглигидан келиб чиқиб аййтиш мумкинки, Мурод Абдуллаев учун нотаниш ёки қизиқарли бўлмаган мавзунинг ўзи йўқ эди. Муаллиф журналистни оёғи боқадил, деган нақлнинг мағзини том маънода чаққан қаламқашлардан эди, десам муболага бўлмайди. У юришдан чарчамас, асло тиним билмасди. Ҳали узок Устюрт кенгликларидagi қурувчилар ҳузурида, ҳали Сурхондарёда тўқсон ёшли бобон Носирхон ота суҳбатиди... Айтайлик, бу ҳафта воқийининг гўзал Фарғонасидан мақола ёза, навбатдаги ҳафтада қашқадарёлик фермер ҳақидаги очеркни эълон қилинарди. Асосийси, М. Абдуллаев даврининг юрак уришини тинглад, қайси мавзулар муҳим ва зарурлигини дарров илгаб оларди.

Хусусан, китобдаги “Қандим кенгликлариди” сарлавҳали мақолада давримизнинг қайта қурилишларидан билди. Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси, унинг бўёнқорлари ҳақида гап кетди. Одатда, бундай мақолада кўпинча журналистлар асосий эътиборини заводнинг иқтисодий самарасига қаратади ва шу ҳақида батафсил сўз юритади. Мурод ака ҳам мажмуанинг иқтисодий самараси, қайта ишланган маҳсулот миқдори, қанча олам ишли бўлгани ва ҳоказолар борасида етарлича маълумотларни келтирди. Шу билан бирга муаллиф ҳар бир деталга ўзига хос йўсинда ёндашди. Бинобарин, завод номидаги “Қандим” сўзининг маъ-

носини муаллиф назардан четда қолдирмади. Қандим бу — айни қўламда оч қизил, пушти рангда гуллайдиган саҳро ўсимлигидир. Муаллиф табиятда бу ўсимлиқнинг нечта тури борлиги, уруғи шифобахшлиги, илдизи ва шохларидан бўёқ ва ошловчи моддалар олинишию ўзи чорва моллари учун тўйимли озуқа экани ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Бу ўринда олдий рақамлару фактларни келтириш билан қифояланмай, мақолага қуюқроқ бадиий бўёқлар излайди. Айни шунда Қизилқум қўларининг келинчаги қандим мақола сюжетига зарур унсурга айланади. Қолаверса, биология, экология, иқтисод ва бошқа соҳаларга оид келтирилган қимматли маълумотлар мақоланинг янада ўқишли чиқишини таъминлаган.

М. Абдуллаевнинг энг сўнгги — Орол денгизи тўбини қўламосорлаштиришга бағишланган “Оролнинг яшил қалқони” ва “Буюк сафарбарлик” мақолалари ҳам ушбу китобдан ўрин олганки, албатта, улар тўғрисида алоҳида тўхталмоқ жоиз деб ўйлайман. Хусусан, “Оролнинг яшил қалқони” мақола-сида журналист Орол денгизи-

ларидан мутахассислар ва ишчилар жалб этилди. Шу йилнинг ўзида 500 минг гектардан зиёд майдонда саксовулзорлар барпо этишга киришилди. Бунинг Оролнинг чинакам яшил қалқонини дейиш мумкин, негати кўча кўчаларини тўхта-тиб қолишининг ягона йўли шу. Муаллиф бу ишлар қўлами билан яқиндан танишиш учун шу йил қишда хизмат сафарига бўлиб, Орол денгизи ўрнида барпо этилаётган улкан сунъий ўрмонзорларни айланиб чиқди.


Самарқанддан Қашқадарёга бораверишда Тахтиқорача довоиндан кўп марта ошиб ўтганимиз. Довондан ўтарканмиз, Ургутга қарашли Омонқўтон ва Булбулзорсой ёнбағирларида ястаниб ётган қуюқ дарахтзорлар, арчозорлар, дўлана, ёввойи болдому наъматакларини, қўйингки, бетимсол табият манзарасини қўриб ҳайратланамиз. Очиги, шу пайтатча бу боғларни табиий боғлар деб ўйлардим. М. Абдуллаевнинг “Мингарчадан Мингчинорга” сарлавҳали мақоласини ўқиб, бу боғлар 1880 йиллардан бошлаб, инсон қўли билан барпо этилганидан хабар топдим. Омонқўтондаги боғлар майдони 1906 йилга келиб 950 гектарга етган экан. Эндиликда бу боғлар Тахтиқорача довоинга қўрқ қашқадарёга қолмай, балки бу ер табиятига катта таъсир ўтказган. Утган йиллар мобайнида ўрмонзор шарофати билан Омонқўтоннинг тупроқ ва иқлим шароити тубдан ўзгарди, ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси янада бойиб, булоқлар сони кўпайган.

Умуман олганда, М. Абдуллаевнинг она табиятни асраб-авайлаш, уни янада гўзаллаштиришга бағишланган аксарият мақола ва очеркларини ўқиб эканмиз, кўтарилётган муаммо ва масалалар замирида Ватанимизнинг севуви имони, беором қалбини кўрамиз.

Муаллифнинг бир қатор мақолалари истисно. Йилларидида ўзгача қийор оған Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳру кентларимизга ҳам бағишланган. М. Абдуллаев юртимизнинг ушбу манзилларида олиб борилган бунёдкорликнинг завқу шавқ билан баён этиди ва замонавий шаҳарсозликда оид муаммо ва ютуқларни ҳам кенг таҳлил этади.

Ушбу китобнинг муҳим бир фазилати, у жонажон Ватанимиз, азиз юртошларимиз ва замонашларимизга чексиз меҳр-муҳаббат ва эҳтиром билан битилганидир. Муаллифнинг ҳар бир сўзида, жумласида бунга амин бўламиз. Ҳа, Мурод ака чинакам юртсевар, элсевар бир инсон ва қаламқаш сифатида ҳар биримизнинг хотирамизда қолажак.

Абдураҳим АЗИМОВ



ЎҚУВЧИЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида Тошкент шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг кўргазмаси ташкил этилди. Экспозицияда ўқувчиларнинг рангли қалам, акварель, мойбўёқда чизган ранг-баранг суратлари ва амалий санъат намуналари намойиш қилинди. Ҳакамлар хайъати ҳулосасига кўра, энг яхши ижодий излашлар соҳиблари диплом ва совғалар билан тақдирланди. Тадбир доирасида намойиш этилган болаларнинг қийорли рақслари ва жарангдор қўшиқлари даврага фойда бағишлади. Мазкур тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси ташкилотчилигида ўтказилди.

Халқаро маданият қарвонсаройида “Кўзумчоқ” деб номланган расмлар танлови ҳамда кўргазмасида Республика Ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчилари чизган расмлар намойиш этилди. Еттинчи бор ўтказилган аънавий танлов-кўргазмада биринчидан тўртинчи синфгача бўлган юздан зиёд ўқувчининг икки юздан ортиқ сара ишлари намойиш этилди. Болалар чизган расмлар устозлар томонидан баҳолаб борилади ва фаол иштирок этганларга сертификат ҳамда эсдалик совғалари топирилади.

С. КОСИМОВА

Ён дафтардан

Илмий иш тадқиқотнинг мавзусию долзарблиги ҳақида кўп гапиришдан эмас, балки амалга оширишдан бошланади.

Фанда шундай ноёб муаммолар борки, улар ҳақида ёзасан, маъруза қиласан, лекин барибир этиб бўлмас чўққидек сирлигича қолаверадил.

Билимли одам — бу билмаган нарсаларни билиш йўлларини биладиган одам.

Мавжуд илмий муаммолар даврининг истёждоли олимларини юзага чиқаради, бу истёждоллар эса келажақ учун янги муаммоларни ўйлаб топади.

Айрим ҳолларда устоз-шогирдни боғлаб турган занжир мўртлашиб кетганига гувоҳ бўлганман. Бундай ҳодисанинг сабаблари кўп. Лекин ишончким қилиб, асосий иллат — бу устозларнинг бошиданок; “Ҳа, энди шогирд шогирдда”, шогирдларнинг эса: “Устозим борми, бор-да” қабилидаги ножойиз кайфиятда юриб, устоз-шогирд аънавларининг ҳақиқий маъно-моҳиятини тўла-тўқис англаб етмаганларидир.

Оптимист олим — йўқ жойдан ечим қидиради. Пессимист — қўриб турганига ҳам шубҳа қилади.

Тажриба — хотоларимиздан кейин қолган тўғри натижа.

Дўконлардаги баъзи китобларнинг муқовасида машҳур исм-фамилия тургани учун қўлимизга ола-миз, тезгина очамиз, секингина ёпамиз.

Устозлар фанга эндиликда кириб келган шогирдларини илмий муаммолар олдига ўзларини йўқотиб қўйишларига йўл қўймайдилар. Қўйилган муаммоларнинг мураккаб қисмини ўз зиммаларига оладилар. Шундагина янгиликларга кенг йўл очилади.

Баъзи асарларнинг ўқишга арзимаслигини уларни ўқиб чиққангидан кейингина англаб етишинг катта йўқотишдир.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзил: Тошкент 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзил: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳа.иқори.иш.з:
akfa

Бош
муҳаррир
Ўқтам
МИРЗАЁР

Тахриратга келган қўламлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назардан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 6139. Буюртма Г — 555.
Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222.
Ташиқлотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.45.
Босишга топширилди — 19.15

ЖУМА ҚУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВАДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

